Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 210 (4905).
17 СЕНТЯБРЬ 1982 й., ЖУМА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

✦ Яман Социалистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, ЯХДР Олий Халқ Кенгаши Президиумининг Раиси, Бош министри А. Н. Муҳаммад 15 сентябрь куни Кремлда КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневга Яман Халқ Демократик Республикасининг олий мукофоти — «14 октябрь Революцияси» орденини топширди.

✦ 15 сентябрь куни Совет— Жанубий Яман музокаралари ниҳоясига етди. Музокараларнинг якунларига кўра келишиб олинган қўшма ахборот матбуотда эълон қилинади.

1.000. 000 тонна пахта тайёр!

«ОҚ ОЛТИН»—ВАТАНГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 16 сентябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён.

Бухоро	2,38	29,65
Хоразм	2,80	25,70
Сурхондарё	1,83	19,20
Навоий	1,56	18,83
ҚҚАССР	2,30	17,50
Андижон	1,82	16,03
Наманган	1,75	15,81
Фарғона	2,02	15,40
Қашқадарё	1,73	14,73
Тошкент	3,50	13,68
Самарқанд	1,30	12,77
Жиззах	0,70	3,23
Сирдарё	0,68	3,06
Республика бўйича:	1,89	15,90

✦ 15 сентябрь куни республикамиз тайёрлов пунктларига 111.448 тонна пахта етказиб берилди.

✦ «Зангори кема»лар билан бир кунда 33.703 тонна пахта терилди, мавсум бошидан буён механизаторларнинг эл хирмонига тўккан пахтаси 116.341 тоннага етди.

✦ Ўтган куни 6.045 тонна ингичка толали пахта тайёрланди, мавсум бошидан буён тайёрланган ипак пахта миқдори эса 52.387 тоннани ташкил этади.

✦ Пискентлик механик-ҳайдовчилар энг юқори кўрсаткичга эришдилар. Бу районда «пўлат этак»лардан тўкилган «оқ олтин» 6,1 тоннаданга етди. Бўкалик азаматлар ҳам ғайрат отига тобора қамчи босмоқдалар. Районда 400 та машина тўла қувват билан ишламоқда. Ҳар бир машина билан ўртача 6 тоннадан «оқ олтин» терилди.

ЮТУҚЛАР КЎРИГИ, УМИДЛАР КЎРИГИ

ТОШКЕНТДАГИ «ПАХТАКОР» СТАДИОНИДА СПОРТ БАЙРАМИ

16 сентябрь куни Марказий «Пахтакор» стадионида «Спорт. ўқиш ва меҳнат — бир-биридан ажралмасдир!» деган шиор остида СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишланган спорт байрами бўлиб ўтди.

Бу — ютуқлар кўриги, умидлар кўриги эди. Чунки, КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Физкультура ва спортнинг оммавийлигини янада ошириш тўғрисида»ги қарори эълон қилингандан буён бир йил ўтди. Шу вақт ичида республика физкультурачилари армияси ўсди, янги стадионлар, сузиш ҳавзалари, кортлар, майдончалар фойдаланишга топширилди. Турли ёшдаги юз минглаб кишилар саломатлик ва бардамлик манбаи — «Меҳнат ва мудофаага тайёрман» (ГТО) комплексига жалб этилди.

Ўзбекистон спортчилари ажойиб ғалабаларга эришдилар Жаҳон, Европа, Совет Иттифоқи чемпионатларида ва кубоклари учун мусобақаларда, энг катта халқаро турнирларда 162 та олтин, кумуш ва бронза медаллари қўлга киритилди. Шу муваффақиятларнинг ўзи ҳам физкультура ва спортни ривожлантириш борасида Ўзбекистонда катта резервлар мавжудлигидан, келгусида янада юксак чўқиларни эгаллаш имкониятлари борлигидан далолат беради.

Барча областлар, Қорақалпоғистон АССР, Ўзбекистон пойтахти спорт делегациялари, спорт жамоаларининг ва идоралари намояндалари фанфараларнинг садолари остида, Туркистон ҳарбий округининг йиғма оркестри марши садолари остида стадионнинг ямяшил майдонига кириб келишади.

Бу байрам Ўзбекистон терма командасининг йилнинг асосий мусобақалари — ёшларнинг III Бутуниттифоқ спорт ўйинларидаги иштирокидан ўзига хос якун чиқариш бўлди. Республиканинг спорт делегацияси шундан аввалги ўйинлардагига нисбатан бир поғона юқори кўтарилиб, бу ўйинларда еттинчи ўринни эгаллади. 9 та олтин, 14 та кумуш, 14 та бронза медалини қўлга киритган спорт гвардиячилари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига, республика Олий Совети Президиумига, Ўзбекистон ССР Министрлар Советига рапорт топширишдек юксак шарафга сазовор бўлдилар.

Рапортни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов қабул қилди.

Шарқий минбардаги жонли экранда СССР герби, Совет Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР давлат байроқлари пайдо бўлади. Уларни тўрт минг нафар спортчи ранг-баранг байроқчалар билан намоён этдилар.

Вимпеллардан «КПССга шоншарафлар!», «Октябрнинг 65 йиллиги», «СССР — 60» сўзлари ҳосил бўлганида стадионда қарсаклар янграйди.

Экран оммавий чиқишларнинг ўзига хос фонига айланади. Мана, кўёш заррин нурларини соча бошлади, энг кичкинтой физкультурачилар стадионнинг ярим гилами устига югуриб чиқдилар. Улар гимнастика машқларини, ранг-баранг коптоклар билан ўйинларни зўр маҳорат билан ижро этадилар, эрталабки зарядкани намойиш қиладилар.

Экранда пайдо бўлган «Меҳнат резервлари» эмблемаси спортчилар ва бадиий ҳаваскорлик қатнашчиларининг — ҳунар-техника билим юртлари талабаларининг майдонга чиққанлигидан дарак беради.

Ишчилар синфининг бўлажак ўринбосарлари ўз спорт жамиятида чиниқадилар. Бу йигит ва қизлар ҳам меҳнат, ҳам спорт малакасига эга бўлган ҳолда заводларга, фабрикаларга, қурилишларга, далаларга ва фермаларга борадилар, физкультурани оммалаштиришга кўмаклашадилар.

Ранг-баранг алвонлардан таркиб топган «оқ олтин» чаноғи ва «6000000» рақами умумиттифоқ меҳнат тақсимотига республика қўшаётган асосий ҳиссани акс эттириб туради.

Томошабинлар енгил атлетикачилар, спортчилар, акробатлар, гимнастикачилар, курашчилар, футболчилар, қиличбозларнинг намунали беллашувларини ғоят қизиқиб кузатдилар.

Сўнгра эса, осмонда парашютларнинг ёркин гумбазлари пайдо бўлди: шу тариқа армия, авиация ва флотга кўмаклашувчи кўнгилли жамиятнинг спортчилари байрам қатнашчиларини табрикладилар.

Ўзбекистон спорт терма командаларининг байрогини топшириш рамзий эстафетага айланди. Ёшларнинг Бутуниттифоқ ўйинлари қатнашчилари бу байроқни СССР халқлари VIII Спартакиадасида қатнашадиган Ўзбекистон делегацияси номзодларига топширдилар. Ёшларнинг ўйинларида яқиндагина республиканинг спорт шарафини ҳимоя қилган кўпгина йигит ва қизлар эртага Спартакиада майдонига чиқадилар. Улар Ўзбекистон спорти байроғини, оммавий физкультура байроғини янада баланд кўтарадилар.

Спорт байрамида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва бюро аъзолигига кандидатлари Е. А. Айтмуратов, И. Г. Анисимкин, Л. И. Греков, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, И. Б. Усмонхўжаев, А. А. Хўжаев, Н. Ж. Худойбердиев, Қ. Камолов, Н. М. Маҳмудова, Л. Н. Мелкумов, У. У. Умаров, КПСС Марказий Комитетининг сектор мудири В. И. Смирнов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Р. Ҳ. Абдуллаева, Қ. А. Аҳмедов, М. Т. Тўрсунов, Ўзбекистон область партия комитетларининг биринчи секретарлари ҳозир бўлдилар. (ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Республикада физкультура ва спортни ривожлантириш, спорт объектларини қуриш соҳасида кўл йил, самарали ишлаганликлари ҳамда III Бутуниттифоқ ёшлар спорт ўйинларининг якунлари бўйича Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонларига биноан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг сектор мудири ўртоқ Дўнан Набиевич **Ганнев**га **«Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими»**, қуйидаги ўртоқларга **«Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган физкультура ва спорт ходими»** фахрий унвонлари берилди:

Бондарев Борис Михайлович — байдарка ва каноэда эшкак эшиш Тошкент область олий спорт маҳорати мактабининг катта тренери;

Егоров Юрий Павлович — Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Физкультура ва спорт комитети раисининг ўринбосари;

Жоржоладзе Георгий Давидович — конькида фигурали учиш республика ўсмирлар мактабининг директори;

Илов Арслон Нурович — Ўзбекистон давлат физкультура институтининг катта ўқитувчиси;

Кабиров Равкат Файзирахмонович — Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Физкультура ва спорт комитетининг бўлим бошлиғи;

Киселев Жон Павлович — «Текстильщик» спорт клуби правлениесининг раиси;

Насриддинов Фахриддин Насриддинович — Ўзбекистон давлат физкультура институтининг проректори;

Нўъмонов Қаҳрамон Ҳакимович — «Буревестник» кўнгилли спорт жамияти Ўзбекистон Советининг раиси;

Ҳафизов Абдурақмонхўжа — Тошкент область ижроия комитети ҳузуридаги физкультура ва спорт комитетининг раиси.

Физкультура ва спорт соҳасида алоҳида ўрнак кўрсатган ходимларнинг катта бир группаси Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотланди.

• Пойтахтимиз меҳмонлари

ДЎСТЛИК АЛОҚАСИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриёти ва Венгриядаги «Лапкиадо» нашриёти 1979 йилда дўстлик, ҳамкорлик алоқаси тўғрисида шартнома тузган эдилар. Совет Ўзбекистони ва Венгрия Халқ Республикаси матбаачилари тажриба алмашиб, илғор иш усулларини ўрганишмоқда. Кеча Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриёти коллективи таклифига биноан «Ўй тюкэр» («Янги кўзгу») журнали етакчи ходими Фельдеши Йожеф раҳбарлигида венгер матбаачиларидан бир группаси Тошкентга келди. Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриётида икки полиграфия корхонаси вакилларининг учрашуви бўлиб ўтди. Меҳмонлар шаҳар билан танишдилар, В. И. Ленин ҳайкали пойига, Номаълум солдат қабрига гуллар қўйдилар, В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалида бўлдилар.

ВХР даги йирик корхона — «Лапкиадо» ҳар йили 360 номда газета ва журнал нашр этади. Барча нашрларнинг бир галги тиражи 10 миллион нусхадан иборат. Венгрияда «Советский союз» журнали венгер тилида, бошқа совет журналлари ҳам чоп этилади. ВХР дан келган меҳмонлар нашриётнинг асосий ишлаб чиқариш участкалари билан танишмоқдалар, музейларга экскурсия қилмоқдалар, Самарқандга борадилар.

— Совет Иттифоқи, Ўзбекистон мисолида, биз кўриб турганимиздек кўп миллатли оила экан, — деди Фельдеши Йожеф. Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриётида 36 миллат вакили ҳамжиҳатликда меҳнат қилмоқда. Бу совет турмуш тарзи тимсоли бўлиб бизда катта қизиқиш уйготади. Биз ижодий алоқаларимизни янада мустаҳкамлаймиз. Тинчлик ва дўстлик шаҳри тўғрисида мақола ва суратлар жойлаштирилган Совет Ўзбекистони ҳақида альбом чиқарамиз.

* * *

СУРАТДА: венгриялик меҳмонлар.

А. Губенко фотоси.

ФАН—ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

60



СССР Қишлоқ хўжалиги министрлигининг Г. С. Зайцев номли Бутуниттифоқ ғўза селекцияси ва уруғчилиги институти яқиндагина ўзининг 60 йиллигини нишонлади. Олимлар янги юқори ҳосилли, касалликларга чидамли ғўза навларини яратиш билан пахтачиликни янада юқори босқичга кўтариш ишига ўзларининг салмоқли ҳиссаларини қўшмоқдалар.

СУРАТДА: институт директори, ВАСХНИЛ академиги С. М. Мирахмедов (ўртада) институт ходимлари билан тажриба даласида.

Л. Гусейнов фотоси.

ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

«Ўзбитхимпласт» ишлаб чиқариш бирлашмаси Киевдаги «ВНИИхимпроект» институти ва унинг Москва, Тула, Пермь, Рига, Вильнюс шаҳарларидаги филиаллари билан мунтазам ижодий ҳамкорлик қилмоқда.

Бутуниттифоқ «Химпроект» илмий-тадқиқот институтида синтетик кир ювиш воситалари ва бошқа майший химия товарларининг технологиясини такомиллашт и р и ш, уларнинг сифатини яхшилаш ва янги турларини ишлаб чиқиш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Тошкент политехника институти ва Ригадаги махсус химия конструкторлик бюроси билан ҳамкорликда майший химия молларининг янги намуналарини аэрозол идишларда қадоқлаш ишлаб чиқилди. 1981 йилда Тошкент синтетик кир ювиш воситалари заводида порошоксимон кир ювиш воситасини картонли пачкаларда қадоқлаш автоматик линияси ишлаб чиқилди ва тайёрланди.

Рационализ а т о р лар ва ихтирочилар ҳам илмий-техника тараққиётига муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Улар ўзларининг изланишларини асосий хом ашёни тежашни таъминлайдиган янги полимерли композицияларни яратишга, полимер материалларнинг чидамлилигини оширишга, синтетик кир ювиш воситаларининг технологиясини такомиллаштиришга қаратмоқдалар.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

ИЖОДИЙ ИЗЛАНИШДА

Бугунги кунда шаҳримизнинг кўпгина илмий коллективларини ўн биринчи беш йиллиқда амалга оширадиган вазифаларни муваффақиятли бажариш учун ташаббускорлик, меҳнатга ижодий ёндошиш муносабати, масъулият ҳисси ажратиб туради. Улар асосий истиқболли йўналишлар бўйича изланишлар олиб бориш билан КПСС XXVI съезди, партия Марказий Комитети Пленумлари қарорлари томонидан тадқиқотлар самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқаришга фан-техника ютуқларини жорий этишни тезлаштириш бўйича совет фани олдига қўйилган мураккаб ва муҳим вазифаларни бажаришга катта ҳисса қўшадилар. Шаҳримиздаги юздан ортиқ илмий муассасаларнинг олимлари ўз ижодий изланишларини янги серҳосил пахта навларини яратишга, бутунлай янги технология жараёнларини жорий этишга, механизмлар ва бошқа асбоб-ускуналарнинг конструкцияларини такомиллаштиришга қаратмоқдалар. Улар илмий-техника тараққиётини жадаллаштириш бўйича умумхалқ курашига қўшилиб ўн биринчи беш йилликнинг дастлабки йилида халқ хўжалигида жорий этиладиган ишлардаги илмий тадқиқотлар салмоғини 68 процентгача оширдилар. Фаннинг амалиёт билан алоқаси мустаҳкамланаётганлигини қуйидаги фактлар кўрсатиб турибди. Фақатгина ўнинчи беш йиллик мобайнида олимлар конструктор ва инженер-техник ходимлар билан ҳамкорликда фан-техника программаси ва тажриба конструкторлик ишлари бўйича 5 мингдан ортиқ топшириқни бажаришга муваффақ бўлдилар.

Халқ хўжалигининг турли тармоқларида 3 мингдан ортиқ фан ютуқлари жорий этилди. Уларнинг йиллик иқтисодий самараси 1 миллиард сўмликдан кўпроқни шу жумладан, шаҳар саноат корхоналарида эса бу кўрсаткич 485 миллион сўмликни ташкил этади.

Тошкентдаги Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси илмий-тадқиқот институтлари ва лойиҳа-конструкторлик ташкилотлари билан узвий алоқа боғлаб келмоқда. Масалан, Тикувчилик саноати марказий илмий-тадқиқот институтининг Тошкент филиали лойиҳаси асосида бу ерда эркаклар шими тикиладиган учта осма линия ишлаб чиқаришга жорий этилди.

Тошкентдаги Тўқимачилик ва енгил саноат институтининг Ленинград ва Ивановодаги тўқимачилик саноати илмий-тадқиқот институтлари, шу жумладан Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг институтлари билан ижодий ҳамкорлиги шарофати билан Тошкент тўқимачилик комбинатида кўпгина илмий-техника проблемалари ҳал этилди. 1981 йили бу ерда 1113 минг сўмлик иқтисодий самара берадиган тўқимача илмий-тадқиқот ишлари ишлаб чиқаришга жорий этилди. 1982 йилда ўн учта илмий-тадқиқот ишини жорий этиш кўзда тутилмоқда.

«Ўзбекхлопкомаш» ишлаб чиқариш бирлашмасида ҳам илмий-тадқиқот ишлари хўжалик шартномалари ва ижодий ҳамкорлик шартномалари асосида олиб бориляпти. Масалан, «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси билан ҳамкорликда деталларни пластмассадан тайёрлаш бўйича йилига 200 минг сўмликдан кўпроқ иқтисодий самара берадиган ижодий иш олиб борилаяпти. Тошкентдаги Тўқимачилик ва енгил саноат институти билан ҳамкорликда юз минг сўмдан кўпроқ иқтисодий самара берадиган техникавий жараёнлар жорий этилди.

Республика газ саноати билан боғлиқ проблемалар бўйича 29 институт (шундан 13 таси Ўзбекистон ССРда)шуғулланмоқда. «СредазНИИгаз», Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг сейсмология ва физика институтлари, Тошкент автомобиль йўллари институти, Тошкент политехника институти ва бошқа институтлар ҳам ана шу соҳа проблемалари бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб боряпти.

> Бугун биз беш йил, ўн йил олдинга назар ташлаб, айни шу йилларда халқ хўжалик структурасига асос солиниши ва у вужудга келтирилишини унута олмаймиз. Мамлакат ана шу структура билан йигирма биринчи асрга қадам қўяди. Бу структура янги жамиятнинг асосий фазилатлари ва идеалларини мужассамлантириши, тараққиёт авангардида бўлиши, фан билан ишлаб чиқариш интеграциясининг, ижодкор тафаккур билан ижодий меҳнат бузилмас иттифоқининг тимсоли бўлиши лозим.
>
> Л. И. БРЕЖНЕВ.

«СредазНИИгаз» институти ўзининг кўпгина юксак самарали тадқиқотлари билан ажралиб туради. Ўнинчи беш йиллик мобайнида қўлга киритган 63.8 миллион сўмлик яллиқтисодий самаранинг ярмидан кўпроғи ана шу институт томонидан ишлаб чиқаришга жорий этилган янгиликларга тўғри келади.

Халқ хўжалигига жорий этиладиган илмий-тадқиқот ишларининг самарадорлигини оширишда шаҳарни социал-иқтисодий ривожлантириш бўйича жамоатчилик Совети. район партия комитетлари ҳузуридаги жамоатчилик асосида ишловчи фан бўлимлари, илмий тадқиқот институтлари ва олий ўқув юртларининг проблемали ва тармоқ лабораториялари, ишлаб чиқаришга илмий тадқиқотларни жорий этиш бўйича жамоатчилик комиссияси, 1981 йили Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети қарори билан ташкил этилган иш самарадорлиги ва сифатини ошириш бўйича комиссиялар фаолияти ғоят муҳим роль ўйнамоқда. Фан-техника тараққиёти масалалари, тадқиқот ва лойиҳа-конструкторлик ташкилотларининг ишини такомиллаштириш масалалари шаҳар партия ташкилотларининг доимий диққат-эътиборида турибди.

Тупроқ унумдорлигини ошириш, пахтанинг серҳосил навларини, янги самарали ўғитларни яратиш, ўсимликларни озиқлантиришнинг оптимал режимларини ишлаб чиқиш, механизмларнинг конструкцияларини такомиллаштириш каби бир қатор муҳим проблемаларни ҳал этиш юзасидан Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институти, ўсимликлар эксперименталбиологияси, химия институтлари ва Ўрта Осиё ўсимликлар муҳофазаси институти олимлари иш олиб боришмоқда. Республика Фанлар академияси 40 дан ортиқ умумиттифоқ ва республика аҳамиятидаги комплекс программаларни ишлаб чиқишда қатнашмоқда. Олимларимизнинг амалга оширилаётган тадқиқотлари кўп жиҳатдан республика қишлоқ хўжалигининг доимий ютуқларини таъминлаяпти. Бу соҳадаги қўлга киритилган ютуқлар учун Ўзбекистон ССР га 1981 йили тўққизинчи марта КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи берилди. Республикамиз олимлари Озиқ-овқат программасини амалга оширишга ҳам сезиларли ҳисса қўшишмоқда.

КПСС XXVI съезди фан-техника тараққиётининг бош йўналишларини белгилаб берди. Ана шу вазифаларни ҳал этиш учун илмий ташкилотлар фаолиятини бундан буён ҳам такомиллаштириб бориш, нуқсонларни бартараф этиш тақозо этилади. Чунки бу халқ хўжалигида фан-техника ютуқларидан унумли фойдаланиш билан боғлиқ етакчи масалалар ҳисобаланади. Бошланган ҳар бир ишни охирига етказиш, кашф этилган фойдали янгликни амалиётга жорий этиш ҳар бир тадқиқотчининг интилиши бўлиши лозим.

Вазифа планлаштириш ва илмий прогнозлашни, илмий тадқиқотларнинг методлари ва воситаларини такомиллаштириш, олимлар ва илмий коллективлар ишини кооперациялаш ва ихтисослаштириш, фаннинг моддий базасини яхшилаш, фаннинг ишлаб чиқариш билан алоқасини янада мустаҳкамлаш йўли билан илмий ижод самарадорлигини тубдан оширишдан иборатдир.

ХЎЖАЛИК ШАРТНОМАСИ АСОСИДА

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси электроника илмий-тадқиқот институти олимларининг ишлаб чиқариш билан алоқаси мустаҳкамланиб бормоқда. Бу ерда олти йил муқаддам ташкил этилган ихтисослаштирилган конструкторлик-техн о л о гия бюроси ҳар йили шаҳарнинг ўнлаб йирик саноат корхоналари билан хўжалик шартномасини тузиш имконини бермоқда.

Фақат кейинги йилларнинг ўзидагина институт мутахассислари «Ташсельмаш», электронтехника заводлари, пахта тозалаш саноати министрлиги корхоналари учун бир қатор илмий ишлаб чиқишларини тайёрлаб бердилар. Уларнинг кўпчилиги ишлаб чиқаришга тадбиқ қилинди. Институт олимлари яратган приборлар саноатчиларнинг юксак баҳосига сазовор бўлди. Бу приборлар материалларнинг сиртидаги нуқсонларни баҳолаш ва уларни диагностика қилиш борасида қимматлидир.

ИХТИРОЛАР ДАРАЖАСИДА

«Ўзбектекст и л ьмаш» бирлашмасининг ўн биринчи беш йиллиқда тайёрланаётган маҳсулот сифатини янада ошириш, ишлаб чиқарилаётган тўқимачилик машиналарини ҳозирги даврнинг талаблари асосида такомиллаштириш ва янгилаш борасида изланишлари ҳаётга муваффақиятли тадбиқ қилинмоқда.

Корхонада беш йилликнинг дастлабки йилида «П—76—5М6» ва «ПР—150—1» маркали янги типдаги иккита тўқимачилик машинасини серияли ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. 40 та илмий-техника изланиши ишлаб чиқаришга тадбиқ этилди. Уларнинг кўпчилиги мамлакат илмий бўлинмалари ва олий ўқув юртлари билан ижодий ҳамкорлик тўғрисидаги шартномалар асосида ишлаб чиқилган ва тадбиқ этилган. Тошкентдаги «Технолог» институт олимлари ишлаб чиқаришга тадбиқ этилган ихтисослаштирилган конструкторлик-техн о л о гия бюроси ҳар йили шаҳарнинг ўнлаб йирик саноат корхоналари билан хўжалик шартномасини тузиш имконини бермоқда.

Фақат кейинги йилларнинг ўзидагина институт мутахассислари «Ташсельмаш», электронтехника заводлари, пахта тозалаш саноати министрлиги корхоналари учун бир қатор илмий ишлаб чиқишларини тайёрлаб бердилар. Уларнинг кўпчилиги ишлаб чиқаришга тадбиқ қилинди. Институт олимлари яратган приборлар саноатчиларнинг юксак баҳосига сазовор бўлди. Бу приборлар материалларнинг сиртидаги нуқсонларни баҳолаш ва уларни диагностика қилиш борасида қимматлидир.

Хатларга мутасадди раҳбарлар жавоби

«Тошкент оқшоми»га

> Партиянинг ҳар бир ходими, ҳар бир раҳбар гражданларнинг хатлари, илтимослари ва шикоятларига эътибор ва сезгирлик билан муносабатда бўлишни ўзининг халқ олдидаги, партия олдидаги бурчи деб қарамоғи лозим.
>
> Л. И. БРЕЖНЕВ.

• Инсон ҳақида ғамхўрлик—партиянинг олий мақсади • Аҳоли шикоятига эътибор шуми?
• Бор отангга, бор онангга... • Мижозлар нега ранжишмоқда?

Диққат! Янгиликдан хабарингиз борми?

Истиқоматчини ўйлаб...

Кооператив уй ва унинг қонун-қоидалари

Биз ўз турар жой шароитимизни яхшилаш мақсадида турар-жой қурилиши кооперативига аъзо бўлмоқчи эдик. Унга кимлар аъзо бўлиши мумкин? Шунингдек, бу системада янги ўзгаришлар бўлибди, деб эшитдик. Бу қандай ўзгаришлар экан? Шулар ҳақида маълумот берсангиз.
А. БАРАТОВлар оиласи.

С. АЗИМХЎЖАЕВ,
Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети қошидаги қурилиш Бош бошқармасининг қурилишни мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи.

— Маълумки, уй-жой қурилиши кооперативлари КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг 1962 йил 1 июн қарорига биноан гражданларнинг яшаш шароитларини яхшилаш мақсадида шаҳарлар, шаҳар посёлкаларида, совхозларда тузилар эди. Кооперативлар устави халқ депутатлари район, шаҳар Советларининг ижрокомларида ҳал қилинарди. Турар-жойнинг яхшиланишига эҳтиёжи бор ҳар бир совет граждани ёки 18 ёшга тўлган шахслар кооперативга аъзо бўлишлари мумкин.

Яқинда СССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети турар-жой қурилиш кооперативига аъзо бўлувчилар учун янги афзалликларни киритган ҳолда қарор қабул қилдилар. «Турар-жой қурилиш кооперативи тўғрисида»ги қарорда таъкидланишича, турар-жой қурилиш кооперативлари фақат район Совети ижроия комитетлари, йирик корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар қошидагина эмас, эндиликда колхозлар, хўжаликлараро бирлашмалар, турли жамоатчилик союзлари, касаба союз комитетлари ва бошқа жамоатчилик ташкилотлари қошида ҳам тузилади. Кооперативга аъзо бўлаётган гражданлар учун бир қатор афзалликлар яратилади. Хоҳ шаҳарда, хоҳ қишлоқда турар-жой кооперативига аъзо бўлаётган гражданларга 70 процент ҳажмда банк кредити расмийлаштирилади. Қозоғистон ССР, Сибирь, Узоқ Шарқ ва Узоқ Шимол районларидаги ва шунингдек, шахтёрлар посёлкаларидаги гражданларга кредит миқдори 80 процентгача кўпайтирилган. Илгари кредит муддати 15 йилга бериладиган бўлса, эндиликда бу муддат 25 йилга узайтирилади. Кооперативга аъзо бўлаётган киши дастлаб 30 процент миқдорида пай взноси тўлайди.

Яна бир муҳим нарсани таъкидлаш мумкин. Турар-жой кооперативларига аъзо бўлувчилар учун корхона, муассаса ва ташкилотлар касаба союз комитетларининг иқтисодий рағбатлантириш фондларидан моддий ёрдам бериш ҳам кўзда тутилган. Бундай ёрдам мазкур ташкилот, муассаса ва корхонада камида беш йил ишлаб, ишлаб чиқариш илғори бўлган, бирон марта ишлаб чиқариш интизомини бузмаган кишиларга берилади. Ёшлар ҳақида ҳам алоҳида қайғурилган. Корхонада камида икки йил ишлаб, меҳнатда ўзини кўрсатган ёшлар бундай моддий ёрдам олишлари мумкин. Бунда киши иш жойидан ёки район совети ижроия комитети, жамоатчилик ташкилоти томонидан кооперативга аъзо бўлишидан қатъий назар бундай ёрдам берилади.

Бу партия ва ҳукуматимизнинг халқ фаровонлигини ошириш учун қилаётган яна бир ғамхўрлигидан ёрқин далолатдир.

ФАКТ ВА ШАРҲ

Уйимизга табиий газ келадими?

Собир Раҳимов районидаги Фаробий кўчасининг «Пичоқчилик» маҳалласида истиқомат қиламиз. Бизни бир нарса ажаблантиради. У ҳам бўлса, ён атрофимиздаги Озод, Лангар кўчаларида табиий газ бор-ку, бизда йўқ. Бизнинг маҳалламиз аҳолиси қачон табиий газ билан таъминланади?
М. СОДИҚОВ, «Матбуот» полиграфия бирлашмасининг ходими.

Ю. СКРИЦКИЙ,
Собир Раҳимов район газлаштириш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.

— Фаробий кўчасидаги барча тупик ва проездларни, жумладан, 3-тупикни ҳам табиий газ билан таъминлаш учун ер ости газ қувурини ёткизиш керак. Фаробий кўчасида истиқомат қилаётган аҳолининг хонадонларига табиий газ тушириш ҳақидаги илтимосларини махсус ташкил этилган комиссия кўриб чиқиб, кўчаларнинг торлиги сабабли Сағбон кўчасидан Чимбой кўчасигача бўлган масофада табиий газ ўрнатиш мақсадга мувофиқ эмас, деб топди. Шу сабабли биз Фаробий кўчасининг 3-тупигида турувчи аҳолининг ҳожатини чиқара олмаймиз.

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номидаги тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг 2-цех коллективи СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига социалистик мусобақани тобора авж олдириб, баракали меҳнат қилмоқда. Социалистик мусобақада комсомол-ёшлар бригадасининг аъзолари М. Тўйчиева, З. Умархўжаева, З. Абдурасулова, М. Кузнецова ва Т. Тўлаганова пешқадамлик қилиб, кунлик ишлаб чиқариш нормасини 125—130 процентга етказиб адо этишмоқда.

СУРАТДА: коллективнинг илғор (чапдан-ўнгга) ишчилари — М. Тўйчиева, З. Умархўжаева, З. Абдурасулова, М. Кузнецова ва Т. Тўлагановалар акс этган.

М. Нуриддинов фотоси.

РЕМОНТ ҚАЧОН ТУГАЙДИ?

Бундан тўрт ой илгари Навоий кўчасидаги Ҳамза номли ўзбек Давлат академик драма театри ёнида жойлашган 8-сартарошхона ремонт учун беркитилган эди. Биз, мижозларни бир савол қизиқтиради: сартарошхона ремонти қачон бошланади-ю, қачон тугалланади?
И. ИСМОИЛОВ.

М. КОЗЛОВ,
шаҳар маиший хизмат кўрсатиш бошқармасига қарашли саноатдан ташқари аҳолига маиший хизмат кўрсатиш комбинати директори.

— Октябрь районидаги 8-сартарошхона ҳақиқатан ҳам анчадан бери ремонт учун ёпиб қўйилган эди. Комбинатда қурилиш материаллари йўқлиги сабабли бу объектни ремонт қилиш мумкин бўлмади.

Яқинда қурилиш материаллари олдик ва сартарошхона ремонтини бошлаб юбордик. Қисқа муддат ичида сартарошхона тўла ремонтдан чиқарилиб, мижозларга яна хизмат кўрсата бошлайди.

• Сизга қандай хизмат кўрсатишяпти?

ВАЪДА ВАЪДАЛИГИЧА ҚОЛМОҚДА

Биз истиқомат қилаётган Радиальная кўчасининг бир қисми Октябрь, иккинчи қисми Киров районига қарашлидир. Кўчанинг Киров районига қарашли қисми шу кунларда санитария талабига мутлақо жавоб бермайди. 30 дан ортиқ хонадон ва 2 болалар боғчаси жойлашган участкадаги бу нохуш аҳвол «Водоканал» тресты раҳбарларининг боқибеғамлиги натижасида юзага келган. Чунки 200 метрдан ортиқ масофани канализациялаштириш ҳақида трестга бир неча бор мурожаат қилдик. Бироқ ваъда ваъдалигича қолмоқда.
Е. РАҲИМЖОНОВ.

З. СОЛИХЎЖАЕВ,
«Водоканал» трестининг бошлиғи.

— Радиальная кўчасида истиқомат қилувчиларнинг шикояти кўриб чиқилди. Аҳоли талаби ўринли. Биз мазкур кўчада канализация ўтказиш ишини планлаштириб қўйдик. Лекин биз, уларга 1982 йилнинг биринчи кварталида канализация ўтказиб берамиз деб ваъда бермагандик. Белгиланган планга кўра канализация иши шу йилнинг тўртинчи кварталида амалга оширилиб, бунда 15 минг сўмликдан ортиқроқ иш бажарилади.

РЕДАКЦИЯДАН: Трест бошлиғи З. Солихўжаевнинг берган жавобига кўра, 1982 йилнинг биринчи кварталида канализация ўтказиб бериш ҳақида ҳеч қанақа ваъда берилмаган экан. Лекин мактубда келтирилган фактларга кўра аҳоли бир неча йилдан буён фақат ваъда эшитиб келган. Трест бошлиғи энди редакцияга ваъда бермоқда. Кўрамиз, бу гал у ўз ваъдасини қандай бошқарар экан? Чунки, тўртинчи кварталга ҳам оз қолди!

АЁЛЛАР, СИЗЛАР УЧУН

ИМТИЁЗЛАР ДОИРАСИ КЕНГАЙДИ

Бизга кўп болалик оналарга берилган имтиёзлар, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш йўллари ҳақида тўлиқроқ маълумот берсангиз.
Ҳ. СОБИРОВА, Ш. КОМИЛОВА.

* * *

Мен «Қаҳрамон она»ман. 14 фарзандим бор. Айтингчи, биз навбатсиз енгил автомобиль олишимиз мумкинми? Олиш мумкин бўлса, унинг тартиби қандай?
Ҳ. ЧИНИЕВА.

О. ДАДАЖОНОВ,
Ўзбекистон ССР социал таъминот министрлиги пенсия ва нафақалар бўлимининг бош инспектори.

— Мамлакатимизда оналик давлат томонидан муҳофаза қилинади ва рағбатлантирилади. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси совет халқининг фаровонлигини изчил ошира бориб, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ҳақида мунтазам ғамхўрлик қилмоқда. Хотин-қизларнинг соғлиғини сақлаш, меҳнатни оналик билан боғлаб қўшиб бориш, оналарни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ҳомиладор аёлларга ҳақ тўланадиган отпускалар бериш, ёш болали аёлларнинг вақтини қисқартириш каби тадбирлар шулар жумласидандир.

Маълумки, Улуғ Ватан урушининг оловли йилларида ва ундан кейинги даврда кўплаб оилалар моддий жиҳатдан қийин аҳволда эдилар. Партия ва ҳукуматимиз шуни назарда тутиб, уларга давлат ёрдамини кучайтириш ҳақида ғамхўрлик қилишди. СССР Олий Совети Президиумининг 1944 йил 8 июлдаги Фармони чиқарилиб, унда ҳомиладор аёлларга, кўп болали ва ёлғиз оналарга моддий ёрдам кўрсатишни яхшилаш, кўп болали оилаларни рағбатлантириш, оналик ва болаликни муҳофаза этишни кучайтириш тадбирлари белгиланди. Натижада давлат нафақалари олиш ҳуқуқига эга бўлган кўп болали оналар сони анча ошди. Икки болали онага учинчи ва ундан кейинги ҳар бир фарзанд туғилганда бола 5 ёшга тўлгунча нафақа тўланадиган бўлди. Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлган жангчиларнинг фарзандлари учун ҳам нафақа тўланадиган бўлди.

Партия ҳукуматимизнинг кейинги қатор қарорлари ҳам оналарнинг имтиёзлари доирасини кенгайтирди. Жумладан, бемор болани парвариш қилиш учун касаллик варақаси бериш муддати 3 кундан 7 кунгача узайтирилди, ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақа тўлаш иш ҳақининг юз проценти миқдорида белгиланди. Оиланинг ҳар бир аъзосига тўғри келадиган даромади ойига 50 сўмдан ошмайдиган оилаларнинг болаларига нафақа жорий этилди. Боқувчисини йўқотганлик учун пенсиялар миқдори оширилди. Мактабгача тарбия муассасаларини янада ривожлантириш, болалар озиқ-овқатлари ишлаб чиқариш ва савдосини кенгайтириш тадбирлари ҳам кўриляпти.

КПСС XXVI съезди қарорларида болали оилаларга давлат ёрдамини ошириш, шу оилаларга афзаллик ва имтиёзларни кенгайтириш, уларнинг уй-жой-маиший шароитларини яхшилаш, болаларга давлат нафақалари системасини такомиллаштириш каби қатор тадбирлар кўзда тутилган. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Болали оилаларга давлат ёрдамини кучайтириш тадбирлари тўғрисида» ўтган йили қабул қилинган қарори бу борада муҳим воқеа бўлди. Қарорда қуйидагилар кўзда тутилади:

Ишлаб турган ва умумий меҳнат стажи бир йилдан кам бўлмаган оналарга, шунингдек, ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиётган аёлларга бола бир ёшга тўлгунча уни боқиш учун қисман ҳақ тўланадиган отпуска жорий этилади. Бу тадбир республикамизда келгуси йил 1 ноябрдан амалга оширилади.

Ишлаб турган аёлларга мазкур отпускани жорий этиш билан бир вақтда бола бир ярим ёшга тўлгунча, кейинчалик эса икки ёшга тўлгунча уни боқиш учун иш ҳақи тўланмаслик шарти билан қўшимча отпуска олиш ҳуқуқи берилади, бунда узлуксиз меҳнат стажи ва ихтисос бўйича иш стажи сақлаб қолинади. Шунингдек, ўн биринчи ва ўн иккинчи беш йилликда болалар боғчалари ва яслилари, мактаблар ва куни узайтирилган группалар, пионер лагерлари ва болаларга хизмат қиладиган бошқа муассасалар шаҳобчаларини бутун чоралар билан кенгайтириш таъмин этилади.

Келгуси йил 1 ноябрдан бошлаб, ишлаб турган ёки ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиётган оналарга биринчи болани туққанда 50 сўм ҳамда иккинчи ва учинчи болани туққанда 100 сўм миқдорида давлат томонидан бир йўла нафақа берилади, шундан кейинги болалар учун нафақанинг амалдаги миқдорлари сақлаб қолинади. Қарорда кўп болали оналарга пенсия тайинлашда қўшимча енгилликлар бериш ҳам кўзда тутилган. Бундан ташқари рўзғор меҳнатини енгиллаштириш ва уй-рўзғор хўжалигини юритишга сарфланадиган вақтни қисқартириш мақсадида савдо-сотиқ, умумий овқатланиш, маиший хизмат корхоналарининг ишини жиддий равишда яхши йўлга қўйиш вазифалари белгиланган.

СССРда она чин маънода ҳурмат ва эътиборга сазовор. Ўн ва ундан ортиқ фарзандни тарбиялаётган оналарга «Қаҳрамон она» унвони берилади. Уларга «Қаҳрамон она» ордени, СССР Олий Совети Президиумининг Ёрлиғи топширилади. Шунингдек, «Оналик шуҳрати» ордени ва турли даражадаги медаллар жорий этилган. Кўп болали оналар учун мукофотлар жорий этилгандан бери республикамизда 80 минг она «Қаҳрамон она» унвонига сазовор бўлган.

«Қаҳрамон она» унвонига сазовор бўлган аёллар ўзлари ишлаётган меҳнат коллективларида ҳам доимий эътибордалар. Корхоналар ва ташкилотларнинг маъмуриятлари уларга кўпгина қулайликлар яратиб беришмоқда. Навбат билан олинадиган танқис молларни биринчи навбатда кўп болали оналарга ажратишмоқда. Масалан, енгил автомобилларни кўп болали оналарга имкони борича биринчи навбатда ажратишяпти. Шуни ҳам айтиш керакки, бу ҳақда алоҳида кўрсатма йўқ. Республикамизнинг бир қатор районларида пенсияга чиққан кўп болали оналарни ҳам танқис моллар билан таъминлаш ҳақида ғамхўрлик кўрсатиляпти. Ана шу районларнинг ижроия комитетлари ўз имкониятларидан келиб чиқиб, «Қаҳрамон она»ларга енгил автомобилларни ҳам навбат билан сотишни йўлга қўйишган.

Газетхон Ҳ. Чиниева енгил автомобиль харид қилиш ниятида бўлса, ўз иш жойи касаба союз ташкилотига ариза билан мурожаат этиши керак. Касаба союз ташкилоти унинг кўп болали она эканлигини, албатта ҳисобга олади.

АРИҚЛАР ТОЗАЛАНДИ

...Бу ерга кўчиб келганимизда атроф-муҳитнинг тозалигидан баҳри-дилимиз очилиб кетган эди. Аммо кўп ўтмай ҳафсаламиз пир бўлди. Нега деганда уйимиз атрофидаги ариқлар... «ғойиб» бўлди. Йўқ ғойиб бўлмади, ариқлар олиб кетилмаган чиқиндилар билан тўлди. Чунки истиқоматчиларнинг бу чиқиндиларни олиб кетадиган машиналар келармикин деб кута-кута тоқатлари тоқ бўлди. Ариқларни бир муддат ўзимиз тозалаб турадиган бўлдик. Аммо бу ҳам фойда бермади.

48-ЖЭКка мурожаат қилганимизда у ерда ариқлар бизга қарашли эмас, деб жавоб беришди. Ҳозирги иссиқ кунларда бу чиқиндилар уй атрофининг санитария ҳолатига ҳалал бермоқда, ҳар хил зараркунандаларнинг пайдо бўлишига олиб келмоқда.
К. Қурбонова, М. Исоқова, Л. Семёнова ва бошқалар.

С. КАНШИН,
Киров район уй-жой бошқармаси бошлиғи.

— Юнусободдаги «Д—2» микрорайонида жойлашган 25-уй истиқоматчиларининг куйиб-пишиб шикоят қилишлари бежиз эмас, албатта. Шамол бўлмаса дарахтнинг учи қимирламайди деганларидек, истиқоматчилар ҳам бекорга безовта бўлишмаган. Район уй-жой бошқармаси тузган комиссия текширув олиб борганда шикоятдаги барча фактлар тасдиқланди.

Уй атрофидаги барча чиқиндилар олиб кетилди. Шикоятда тилга олинган ариқлар ҳам тозаланиб, уларнинг санитария ҳолатини назорат қилиб туриш вазифаси истиқоматчилардан бирига юкланди.

Шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлашга тўғри келади: ариқларнинг чиқиндига тўлиб кетишига истиқоматчиларнинг ўзлари сабабчи эмасмикин? Ҳар бир уй атрофида чиқиндилар учун махсус жой ажратилган. Истиқоматчилар чиқиндиларни белгиланган жойга тўкканларида ариқлар кўмилиб қолмаслиги табиий эди.

Ҳам куласиз, куясиз

Сув тошиб кетяпти

Эрта билан қўни-қўшнилар бир-бирини чақириб қолишди:

— Турсангизчи, овсин! Ҳамма ёққа сув тошиб кетди.

— Вой ўлмасам! Пойдеворнинг тагигача келибди-ку?

Чиндан ҳам кўча бошидаги қувур ёрилган шекилли, сув билқиллаб тошиб ётар, аллақачон ҳовузча ҳосил бўлган эди.

Қўни-қўшнилар биргалашиб Чилонзор район «Аварийний»сига телефон қилишди. Бироқ телефонни кўтарганлар ниҳоятда хотиржамлик билан жавоб беришди:

—Ҳовлиқманглар! Текшириб кўрамиз.

«Текшириб кўриш» эртасига, ундан кейин индинига қолди. Ҳовлисини сув босиш хавфидан қўрққан қўшнилар яна телефонга югуришди. Тағин ўша жавоб.

— Текшириб кўрамиз.

Ниҳоят «Теплосеть» вакиллари етиб келишди.

— Сув унчалик илиқ эмас,—деди вакил аёл. — Менимча бу бизнинг «суви»миз эмас. Бу иш билан «Водоканал» шуғулланиши керак .

Вакил шундоқ деди-ю кетди-қолди.

Сув эса ҳамон тошиб ётарди. Қўни-қўшнилар тағин «Водоканал»га телефон қила бошладилар. Бу ташкилотнинг «Аварийний»си ҳам «Теплосеть»никидан қолишмас экан. Худди ўша жавобни беришди:

— Текшириб кўрамиз.

Ниҳоят, текширувчилар келишди. Улардан бири бармоғини сувга тиқиб кўрди:

— Ия, сув илиқ-ку!— деди енгил тортгандек жилмайиб.— Бу бизнинг «суви»миз эмас.' «Теплосеть» шуғуллансин.

Қўнғироқбозлик яна давом этди. Қўшнилардан бири «Теплосеть» нинг район авария бўлимига борди. Тағин вакил келди.

— Сув илиқ эмас, — деди қатъият билан. — Бу ишни биз қилмаймиз. Мабодо илиқ бўлган тақдирда ҳам эртаиндин босим пасайса оқмай қолади. Хавотир олманглар.

Шундай бўлди. Чиндан ҳам босим пасайди шекилли, бир-икки кун сув оқими тўхтади. Бироқ, тағин булоқнинг кўзи очилгандек қайнаб чиқаверди. Охири бу гап Тошкент «Теплосеть»и бош инженери Убайдуллаевгача, шаҳар «Водоканал» тресты бошлиғининг ўринбосари Ғ. Мажидовгача етиб борди. Бироқ ҳеч қандай натижа чиқмади. «Теплосеть»дагилар сувни совуқ дейди, «Водоканал»дагилар иссиқ дейди. Икки орада одамлар сарсон. Оқиб ётган сувнинг эса на қўнғироқлар билан, на мутасадди раҳбарларнинг сансалорлиги билан иши бор. Қувур ёрилган жойда ҳовуз пўпанак босиб ётибди. Одамлар эса эртаиндин уйимизни сув босиб кетади деб жони ҳалак.

«Ҳайронмиз, — деб ёзишибди Чилонзор район Наққошлик кўча, 2-проездда истиқомат қилувчи А. Иминов, М. Жўраева, М. Каракай ва бошқалар. — Агар кўчамиз бошидан табиий минерал сув чиқа бошлаган бўлса бу ерда сув заводи қуриш керак, бўлмаса тузатиш керак! Бир ташкилот иккинчисига юкласа, иккинчиси биринчисига юкласа, қачонгача хавотирда яшаймиз? Наҳотки сувни тўхтатишнинг иложи бўлмаса».

Нега иложи бўлмас экан, албатта, бор! Бунинг учун бир ташкилот сувни совуқ деб, иккинчиси иссиқ деб баҳона қилмасдан қувурнинг ёрилган жойини тузатишса кифоя!

«Беш» тийинлик кулги

Афандининг саводи йўқ экан. Кунлардан бирида бошқа шаҳарда яшайдиган қариндошидан хат келибди. Афанди хатни ўқий олмагани учун мулланинг ҳузурига борибди.

— Муҳтарам муллажон, шу хатни ўқиб берсангиз, —деган экан, мулла мулойимгина илжайибди.

— Бизда ҳам савод ҳаминқадар-да!

Афанди ҳайрон бўпти.

— Шундоқ катта саллангиз билан саводингиз йўқми?

Мулла саллани ечиб дарров Афандининг бошига қўндирибди.

— Ҳамма гап саллада бўлса, мана, ўзингиз ўқийверинг,— дебди.

Ҳозир саводни саллага қараб ўлчайдиган анойи йўқ. Лекин салласи бўлмаса ҳам, шляпа кийиб юрадиган саводсизлар онда-сонда учраб туради. Оддий бир мисол. Ленин комсомоли номидаги Марказий маданият ва истироҳат боғида 11 ва 12 сентябрь кунлари XXV анъанавий Дўстлик карнавали бўлиб ўтди. Табиийки, бу томоша кўпларни қизиқтиради. Шу боисдан боққа мингларча одам тўпланди. Меҳмонларга карнавал программасини 5 тийиндан сотишди. Аввалги байрамларда томошалар қандай бўлган, программа қандай чиққан, бунисини билмаймиз. Лекин бу сафарги программани чиқарган кишиларнинг саводи худди ўша салладор мулланинг саводидан қолишмас экан.

Программа шеър билан очилади. Мана ўзингиз ўқиб кўринг:

«Ёшлик, қувноқлик,
ран—б ранг,
Дўстлик карнавали
Марказий боғда!»

Ана сизга шеър! Ана сизга савод!

Давом этамиз. «Қимматли **Тошкентликлар,** шаҳримиз меҳмонлари...» Майли, у ёғини давом эттирмай қўя қолайлик. Хуллас, ташкилотчилар меҳмонларга салом беришмоқчи.

Тағин давом этамиз. Яна шеър ўқиймиз.

«Бу ерда бошланади
Авжига минади ўйин-кулги **байрамнома[!]**
Концертлар, қўшиқлар,
ҳар хил ўйинлар,
Хафагарчиликни бир дақиқа қўйинглар!»

Оббо! Одамларимиз мунтазам йиғлаб юрар экан-у, карнавалга келиб бир нафас кўз ёшини тўхтатар экан-да!

Шундай қилиб, марказий дарвоза олдига келамиз. Бу ерда ҳам сизни антиқа томошалар кутади. «Меҳмонларни кутиб олиш, ширинликлар ва серпантинлар **ёнғири»** бўлар экан! Буни қарангки, бир соатдан кейин **«Карнавални тантанали»** очилишига гувоҳ бўларкансиз!

Ана ундан кейин **Шарқ** бозори билан танишасиз. Шарқ бозори қанақа бўлишини билмасангиз билиб олинг.

«Бу ерда янграйди
чилдирма ва **ноғара**
овози.
Келтирилган асл
молларнинг сози.
Бу ерда учрашар
карвонлар йўли
Кандай бўлган бўлса
юз йиллар илгари».

Билмадик, бунақа шеърни ўқиган одам шоир зоти ҳақида қандай хулоса чиқарса ўзи билади. Қизиғи шундаки, кейинги гаплар ҳам шеър қилиб ёзилган. Бир эшитиб кўринг.

«Дорвозларнинг ўйини қизиқ тамоша

Аскиячилар, хажвиячилар, халқ
Севган қизиқчилар,
сизнинг **хилматингизда.**

Сиз фақат кўрибгина қолмай, балки **ўзингиз ҳам курашингиз** мумкин».

Ана энди Рус ярмаркасини томоша қиласиз! Бу ерда нима бўлар экан денг? «Полвонларнинг **«чиқиш», «Кулги»** ва бошқалар. Ундан кейин эса **рақс жанги, қўшиқ жанги, ўқиш жанги** бошланармиш.

Бунақа жангу-жадаллар-да ким-кимнинг бурнини қонатганини билмаймиз. Лекин программани тузган чаласаводлар мағлубиятга учрагани аниқ. Негаки, баҳоси ёзилмаган бу программани сотган боғ маъмуриятининг ходимлари бир нарсада ютқазишди. Карнавалга келганлар турли-туман томошалар-у, масхарабозликлардан эмас, шаҳар маданият бошқармаси билан Ленин комсомоли номидаги Марказий маданият ва истироҳат боғи биргаликда тайёрлаган ва «Фрунзевец» босмахонасида босиб чиқарилган 5 тийинлик программадан бир эмас, бир неча ўнлаб имло хато, талай стилистик хато, ундан ҳам кўпроқ мазмун хатосини кўриб мириқиб кулдилар. Тилга эътиборсизлик шунчалик бўладими? Баракалла, ғовлаб кетган саводхонлар!

ҲУШЁРБЕК.

Тошкент тарихини биласизми?

«Оқшом» анкетаси саволларига келган жавоблар

ҚАДИМДА ДЕҲҚОНЛАР КИМ ЭДИ?

Минг йиллар муқаддам деҳқонлар деб ҳозирги маънодаги меҳнаткашлар тушунилмаган.

IX—X асрларда Ўрта Осиёда феодал шаҳарлари тўла-тўкис шаклланиб Бухоро, Самарқанд ва Тошкентда ҳунармандчилик кенг тараққий топди. Ҳунармандчилик ва савдо асосан бозорларда жамланиб, улар шаҳар ҳаётида катта роль ўйнар эди. Ўша даврда аҳоли 32 ҳунар билан машғул жойгина шаҳар бўлиши мумкин, деб ҳисобланган.

Маълум даҳа ва савдо расталарида турли ҳунармандлар маҳсулот ишлаб чиқарарди. Тарихий манбаларнинг кўрсатишича, бу ҳунармандлар эркин кишилар эди. XI асрда яратилган «Тарихи Байҳақий» асарида ёзилишича, ҳунармандчиликда хотин-қизлар актив қатнашишган. Тўқимачилик ва тикувчилик соҳалари билан асосан аёллар шуғулланишган.

Уста ҳам шогирдлари қатори меҳнат қилар эди. X—IX асрлар ҳаётининг кўпгина томонларини акс эттирган Низомул Мулкнинг «Сиёсатнома» асарида кўрсатилишича, уста тикувчи дўконида камида икки шогирд ишлар эди. Шогирдларнинг аҳволи оғир бўлиб, бу ҳол ўша давр поэзиясида ҳам ўз аксини топган. Бир шеърда «Ҳунар ўрганиш азобини тотишга берилган ёшлик мусибати» тилга олинади. Феодал Европасида мавжуд ҳунармандлар цехларига ўхшаш Ўрта Осиёда ҳам ҳунармандчиликнинг маълум ташкилот уюшмалари бўлганди. Каттакичик шаҳарлар даҳаларида маҳалла шайхлари у ёки бу ҳунармандчилик соҳаларининг мутасаддилари ҳисобланганлар.

Тошкент — Шош воҳасига IX—X аср араб географлари Илоқ даҳасини ҳам қўшардилар. Баъзи олимлар эса, уни даҳа сифатида Шош ва Фарғона ўртасига қўйишарди. Илоқ даҳасига Ангрен дарёси воҳаси ва қисман Чирчиқнинг чап қирғоғи кириб, у кумуш-қўрғошин конларига бой эди. X асрда Илоқ кумуш-қўрғошин етказиб берувчи марказга айланди. Афғонистондаги машҳур Панжақир конлари билан баб-баравар рақобат қилувчи Илоқ қазилмаларидан кўп миқдорда кумуш олинган. Энг кўҳна Илоқ конлари қолдиқлари Қорамозорда сақланиб қолган. Ўша пайтда энг таниқли кон Қўҳи сим эди.

Машҳур археолог М. Е. Массон фикрига кўра, бу кон излари Дўлана қишлоғи атрофида — Кони Мансур яқинида аниқланган. Мовароуннаҳрдаги Самарқанд, Бухородан кейинги — учинчи танга зарбхонаси Илоқда бўлгани ҳам бежиз эмасди. Илоқдаги зарбхонадан чиққан тангалар «Шош конидан» деб номланган. Шундай тангалардан баъзилари бизгача етиб келган. Шуниси диққатга сазоворки, ўша даврда, яъни IX асрда кумушни кўп ишлатганлар. Шарқий Европа эса кумуш конларига эга бўлмаган. Шарқий Европа асосан Ўрта Осиёдан келтириладиган кумушдан фойдаланган. Бу кумуш асосан дирҳам тангалар шаклида Европага олиб кетилар эди. Булғория бозорларида Ўрта осиёлик мусулмон савдогарлар олиб келган кумуш дирҳамлар кенг муомалада бўлган. X асрнинг араб географи Ибн Руста сўзи билан айтганда, «Оқ думалоқ дирҳамлар уларга мусулмон мамлакатларидан келар ва улар молларга айирбош қилинарди». Европалик савдогарлар, рус ва славянлар молларини зарб этилган кумуш дирҳамлардан бошқасига сотишмаган. Шош воҳасидан чиқариладиган кўн-мўйна маҳсулотлари, ўқ-ёйлар ва газламаларнинг ҳам бозори чаққон эди.

IX—X асрларда Ўрта Осиёдаги катта ер эгалари бўлган оқсуяк зодагонларни «деҳқонлар» деб аташган. Улар шаҳарларда ҳам ҳукмрон эди. Ўша вақтга оид бир манбада Тункет шаҳрини бадавлат деҳқон идора қилгани эслатилган. Тошкентда ҳам ҳақиқий ҳукмрон шу деҳқонлар эди. Ўша даврдаги йирик ер эгаларининг муҳим хусусияти шундан иборатки, мулкдорлар йирик хўжалик юритмай, ерни майда участкаларга тақсимлаб, ижарага камбағалларга беришар эди.

Ижарачиларни баргизгорлар деб аташар эди.

XII асрда фарғоналик Бурхониддин ал-Марғиноний яратган «Ҳидоя» асарида ер эгалари ва ижарачилар ўртасидаги муносабатлар ўз аксини топади. Ижарачилар ҳосилнинг учдан бири, тўртдан ёки бешдан бирини олишарди. Бундан ташқари, улар худди шу ҳосилдан хирож ҳам тўлашган. Хирож ер эгасидан ҳам ҳосил миқдорига қараб олинарди. Ижарачилар, майда ер эгалари кўпдан-кўп мажбуриятларни бажаришган. Ариқлар қазиш, мудофаа деворлари, бинолар қуриш каби подшолик фармойишларини ҳашар йўли билан текинга бажарардилар. Кенг меҳнаткашлар оммасининг оғир аҳволи халқ қўзғолонларини келтириб чиқарарди.

Шундай қўзғолонлардан бирида аҳоли 260 деҳқонни ўлдирган.

XI аср ўрталарида Ўрта Осиёда сомонийлар давлати ўрнида икки давлат юзага келди. Биринчиси Қорахонийлар давлати ва иккинчиси Ғазнавийлар эди.

Қорахонийлар давлатини вилоятларга бўлиб, уларни иликхонлар идора қиларди. Тошкентни ўз таркибига олган Мовароуннаҳрнинг илик хони Али Тегин билан Қашқардаги Тамғачхон ўртасида ихтилофлар чиқиб турарди. Умуман қорахонийлар давлатини идора қилувчи илик хонлар Тамғич хонга номигагина бўйсуниб, бир-бирлари билан ўзаро урушиб туришарди.

Қорахонийларни и н г давлат тепасига келишига ёрдам берган мусулмон уламолар катта обрў-иззатда бўлдилар. Йирик ер эгалари — деҳқонларнинг умиди эса пучга чиқди. Қорахонийлар сомонийлар сулоласига хиёнат қилиб, ўзларига сотилган деҳқонларнинг мол-мулкларини тортиб олишди. Деҳқонлар ўрнига бошқа ҳукмрон табақа — «иқтодорлар» пайдо бўлди. «Иқто» махсус ер тортиғи бўлиб, унинг эгаларини арабча «муқта», форсча «иқтодорлар» деб аташарди.

Кўчманчилар орасидан чиққан қорахонийларнинг Ўрта Осиёнинг шаҳар ва қишлоқлари ўтроқ аҳолисига тутган сиёсатини XI асрнинг ажойиб адабий ёдгорлиги — 1069 йилда Юсуф Хос Ҳожиб Боласоғуний яратган «Қутодғу билик» ўзида ёрқин ифода этади.

Худди шу даврдан йирик феодаллар — деҳқонлар сиёсий табақа сифатида кейинги тарихий манбаларда учрайди. Энди деҳқон сўзи майда ер эгаларини кўзда тута бошлайди. Деҳқонлар билан бирга, ер эгалиги билан боғлиқ, лекин давлат хизматига оид бўлмаган йирик ер эгаларининг маълум типи ҳам тарих саҳнасидан тушиб кетади.

Ҳ. СОДИҚОВ,
тарих фанлари кандидати.

• Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетида

КУЧ—ҒАЙРАТНИ ОШИРАЙЛИК

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси В. О. КОЗИМОВ раислигида халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда шаҳардаги кутубхоналар ва клуб муассасалари ролини ошириш, ҳаваскорлик ижодини ташкил этиш, шунингдек Чилонзор район Совети ижроия комитетининг жамоатчи ҳаваскорлик ташкилотларининг фаолиятига раҳбарлик бўйича олиб бораётган ишлари ҳақидаги масалалар муҳокама қилинди.

Мажлисда таъкидлаб ўтилганидек, ҳозирги вақтда Тошкентда барча идораларнинг 300 та маданий-оқартув муассасалари, 32 та маданият уйи ва 2 миллион 900 мингдан зиёд китоб фондига эга бўлган 102 та кутубхона ишлаб турибди.

Маданий-оқартув муассасалари СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги ва Тошкент шаҳрининг 2000 йиллигини муносиб кутиб олишга ҳозирлик кўриб, ишнинг турли формаларидан фойдаланмоқдалар. Маданият ва уй-рўзғор университетлари, клублар, ленинча дарслар аҳолига хизмат кўрсатиш маданиятини янада такомиллаштириш, меҳнаткашларни ғоявий-сиёсий, меҳнат ва эстетик жиҳатдан тарбиялашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бадиий ҳаваскорликни оммавийлаштиришни ривожлантириш бўйича ҳам муайян ишлар қилинмоқда. Ҳозирги вақтда 6762 қатнашчига эга бўлган 378 коллектив бор.

Шу билан бирга кутубхоналар ва маданият уйларининг меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш бўйича ишида жиддий камчилик ва йўл қўйилаётган нуқсонлар бор.

Шаҳар кутубхоналари китоб фондларини комплектлаш ва улардан фойдаланишда жиддий нуқсонлар бор, ҳанузгача қадар кутубхоналар ва маданият уйларини кадрлар билан комплектлаш масалалари долзарб бўлиб қолмоқда.

Маданий-оқартув муассасаларининг моддий-техника базаси ҳозирги талабларга жавоб бермайди. Акмал Икромов, Октябрь ва Ҳамза районларининг маданият бўлимлари маданият уйлари ва кутубхоналарнинг фаолияти юзасидан назоратни таъминламаётирлар.

Кутубхоналар ва маданият уйларининг меҳнаткашларда марксча-ленинча дунёқарашни шакллантиришдаги ролини, КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди материаллари ва қарорларини янада кенг пропаганда қилиш бўйича ишларни яхшилаш, шу мақсадларда маданий-оқартув ишларининг ҳозирги замон усулларидан кўпроқ фойдаланиш, иш сифати ва самарадорлигини ошириш зарурлиги қайд қилиб ўтилди.

Мажлисда шу нарса таъкидландики, халқ депутатлари Чилонзор район Совети ижроия комитети жамоатчи ҳаваскорлик ташкилотларига раҳбарлик борасида муайян ютуқларга эришди. Чилонзор райони территориясида 18 та маҳалла ва турар жойлардан фойдаланиш участкалари қошида 12 та жамоатчи уй комитетлари ташкил этилди.

Жамоатчилик кучи билан ободонлаштириш, санитария, ирригация тармоқларини тозалаш, паспорт режимига риоя қилишни назорат этиш, жамоат тартибини сақлаш, шунингдек, аҳоли ўртасида маданий-оммавий тадбирларни ўтказиш бўйича катта ишлар амалга оширилди.

Лекин шу билан бир қаторда мажлисда шу нарса таъкидлаб ўтилдики, район Совети ижроия комитети олиб бораётган ғоявий-сиёсий ишлар ҳали Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг «КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қароридан келиб чиқадиган халқ депутатлари Советларининг вазифалари тўғрисида»ги қарори талабларига тўла даражада жавоб беради, деб бўлмайди.

Район Совети ижроия комитети маҳалла ва жамоатчи уй комитетлари ишини активлаштиришга, ҳаваскорлик ташкилотларининг фаолиятини, жамоатчиларнинг аҳоли ўртасида олиб борадиган ишларини координация қилишга, уларни ободонлаштириш ишларига, жамоат тартибини сақлашга жалб этишга етарли даражада эътибор бермаётир.

Маҳалла ва уй комитетларининг турар-жойлар фондини сақлаш ва уларни намунали даражада асраш бўйича ҳаракатга, соғлиқни сақлаш органларига ёрдам беришга, диний сарқитларга ва ҳуқуқ тартиботларнинг бузилишига қарши курашга, жамоатчи ҳаваскорлик ташкилотларининг фаолиятини ижроия комитет олдида турган вазифаларни бажаришга янада кенгроқ жалб этиш зарурлиги уқтириб ўтилди.

ТО СПРАВКАЛАР БЮРОСИ

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Б. ОЛИМОВ: Тошкент халқ хўжалиги институтининг иккинчи курсида ўқиётганимда Совет Армияси сафига хизматга чақирилдим. Яқинда хизматдан қайтдим. Айтингчи, ўқишни давом эттирганимда менга стипендия бериладими ёки берилмайдими?

Жавоб: Амалдаги тартибга кўра институт ёки техникумда ўқиётган студент Совет Армияси сафига хизматга чақирилганда ўзи ўқиётган институтда ўқишни давом эттириш ҳуқуқини сақлаб қолади. У ҳақиқий хизмат муддатини ўтаб бўлганидан кейин аввал неchanчи курсда бўлса, шу курсда ўқишни давом эттиради. Унга навбатдаги сессияга қадар стипендия берилади.

* * *

С. ИЛҲОМОВ: Меҳнат отпускасига чиққанимда касал бўлиб қолдим. 10 кун касалхонада даволандим. Ана шу касал бўлган кунлардан отпускам тугаши билан фойдаланмоқчи эдим. Лекин корхона маъмурияти ишчи кучи етишмаяпти деган баҳона билан касал бўлган кунларимдан фойдаланишга рухсат бермади. Шу тўғрими?

Жавоб: Корхона маъмурияти тўғри йўл тутган. Амалдаги тартибга кўра муассаса, ташкилот, корхоналарнинг ишчи ва хизматчилари иш вақтини фақат унумли меҳнатга сарфлашлари, маъмуриятнинг кўрсатмаларини сўзсиз бажаришлари керак.

* * *

П. НИЗОМОВ: Политехника институтида ўқиймиз. Олти ой давомида «Ўзбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасида практикада бўлдик. Мастер ва мастер ёрдамчиси лавозимларида ишладик. Айтингчи, бизга корхона кадрлар бўлимидан меҳнат дафтарчаси тўлдиришлари керакми ёки йўқми?

Жавоб: Меҳнат дафтарчасини тўлдириш ва сақлаш ҳақидаги тартибга кўра корхона ва муассасаларда беш кундан зиёд ишлаган ишчи ва хизматчиларга меҳнат дафтарчаси тўлдирилиши керак. Шунингдек, вақтинча ёки бир мавсумий иш учун шартнома тузганларга ҳам меҳнат дафтарчаси тўлдирилади. Бинобарин, Сизлар практикада бўлган корхона кадрлар бўлими меҳнат дафтарчаси очиши қонунийдир.

* * *

П. ЖУМАНОВ: Биз меҳнат қилаётган корхонада иш ҳақи ва жорий қилинган рационализаторлик таклифи учун олинган мукофот пулини қўшиб, ундан даромад солиғи олиняпти. Шу тўғрими?

Жавоб: Нотўғри. Амалдаги қоидага биноан рационализаторлик таклифи учун 1000 сўмдан зиёд мукофот олган граждандлардан шу мукофот пулидан алоҳида даромад солиғи ушлаб қолинади. Тайинланган маош бу ҳисобга қўшилмаслиги керак. Ундан ҳам алоҳида даромад солиғи ушлаб қолиниши керак.

* * *

Б. ХОТАМОВ: Заводда ишлаётганимга ўн бир ой бўлди. Олий ўқув юртига ўқишга кириш учун корхона йўлланма бера оладими?

Жавоб: СССР Министрлар Советининг 1958 йил 18 ноябрда қабул қилган қарорининг 2-бандида кўрсатилишича олий ўқув юртлари ва техникумларга кириш учун йўлланма камида икки йиллик меҳнат стажига эга бўлган илғор ишчилар ва хизматчиларга берилади.

Корхона маъмурияти, колхоз правлениеси ва жамоат ташкилотлари ўқишга юбориш учун танланган кандидатура корхона ишчилари ёки колхозчиларнинг умумий йиғилишида муҳокама қилиниб, маъқулланган тақдирдагина унга йўлланма берилади. Бинобарин, ҳозир Сизга корхонангиз ўқишга кириш учун йўлланма бера олмайди.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР БЕРАДИЛАР

САЛЬВАДОР ПАРТИЗАНЛАРИ ТЎҒРИСИДА ФИЛЬМ

НЬЮ-ЙОРК. ТАСС мухбири Александр Шальнов хабар қилади:

Нью-Йоркда биринчи бор кўрсатилган фильм «Ғалаба қозониш қатъияти» деб аталади. Сальвадор партизанлари, Фарабунда Марти номидаги Миллий Озодлик Фронтининг жангчилари ҳақида, оддий сальвадорликлар тўғрисида, уларнинг бахт-саодати учун қурол билан курашилаётганлиги ҳақида ҳужжатлар асосида ҳикоя қилувчи шу фильмга бундан аниқроқ ном топиш қийин эди.

Фильм Сальвадорнинг партизанлар озод қилган районларида суратга олинган. Бу районларда энди янги турмуш йўлга қўйилмоқда.

Фильмда деҳқонларнинг далалари ва мактабларнинг синфхоналари тасвирланади. Бу мактабларда ёшлар билан бирга эндигина ўқиш имкониятини олган катта ёшдаги кишилар ҳам ўтиришибди. Қишлоқ хўжалик маҳсулоти қайта ишланаётган фабрикалар ва илғари вилоятнинг кўпчилик аҳолиси учун берк бўлган шифохоналар ҳам фильм кадрларида бирин-кетин ўтади.

Бутун Сальвадор, барча сальвадорликлар озод бўлмагунча партизанларнинг кураши давом этаверади. Сальвадор кинематографиячилари яратган фильмнинг ҳар бир кадридан шу маъно келиб чиқади.

«Ғалаба қозониш қатъияти» фильми кўпгина американикларни ҳайратда қолдириши эҳтимол. Чамаси, улар биринчи бор Миллий Озодлик Фронти— Вашингтон пропагандаси талқин этаётганидек, «ўтакетган террорчилар гуруҳи» эмас, балки ўзларининг келажакка бўлган умидларини, жабр-зулм ва бедодликдан халос бўлишларини партизанларнинг кураши билан боғлаётган оддий сальвадорликлар ғоят зўр қатъият билан қўллаб-қувватлаётган қудратли, оммавий ҳаракат эканлигининг ҳужжатли тасдиғини ўз кўзлари билан кўра олишлари мумкин.

Съезд арафасида

ПРАГА. Чехословакия Коммунистик партиясининг содиқ ёрдамчиси— ЧССР Социалистик Ёшлар Союзи муҳим бир воқеа арафасида турибди — 1 октябрь куни Прагада СЁСнинг III съезди очилади.

Ўтган беш йил ичида ёшлар ташкилотимиз социалистик жамиятнинг ҳар томонлама баркамол гражданини шакллантиришга, йигит ва қизларда ватанпарварлик ва интернационал туйғуларни тарбиялашга асосий эътиборини қаратди, деди ТАСС мухбири билан суҳбатда СЁС Марказий Комитетининг Раиси Я. Енерал. Шу вазифаларни ҳал этишда қардош Ленин комсомоли бизга катта ёрдам бермоқда. Ўтган даврда СЁС билан ВЛКСМнинг ҳамкорлиги икки мамлакат ёшлари дўстлигининг фестивали, революцион, жанговар ва меҳнат шон-шуҳрати жойлари бўйлаб биргалашиб юришлар қилиш каби ёрқин воқеалар билан нишонланди.

Мамлакат ёшлари СЁСнинг III съездини зарбдор меҳнат, ўқишда муваффақиятлар билан кутиб олмоқда, деди Я. Енерал. Ёш авлоднинг меҳнат таржимаи ҳолига янги ёрқин саҳифалар битилди. СЁС оталиққа олган «Мельник— 3» иссиқлик электростанцияси қуриб битказилди. Чехословакиядан бориб, «Оренбург—СССРнинг ғарбий чегараси» газ қувурини ётқизишда қатнашаётган ёшлар бригадалари ўз олдиларига қўйилган вазифаларни муваффақиятли бажарди.

Венгрияда жуда кўплаб халқ ижодиёти усталарини учратиш мумкин. Улардан бири сиз юқоридаги суратда кўриб турган Иштван Седлачек Барудир. Бу машҳур уста ҳозирда бундан 300 йил муқаддам яратилган тўқимачилик станогини бошқаради.

* * *

Чехословакиянинг дарё ва анҳорлари, жарлик ва сойликлари устидан ўтган кўприклар жуда кўп. Улар орасида эскилари ҳам, янгилари ҳам кўзга ташланади. Энг қадимий кўприк республикада 1351 йилда бунёд этилган. Пастдаги суратда Чехословакия сув омборларидан бирининг устида қурилган янги Ждаков кўпригини кўриб турибсиз.

ТАСС фотохроникаси.



Алоқаларни мустаҳкамлайлик

ЛУАНДА. «Жорнал ди ангола» газетаси ёзади: дўстлик алоқаларини муттасил ва изчиллик билан мустаҳкамлаш— Совет Иттифоқи билан Ангола Халқ Республикаси ўртасидаги муносабатларнинг асосий хусусиятидир. Иқтисодий ва техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги битимга яқинда Москвада имзоланган протокол Совет-Ангола алоқаларини мустаҳкамлашга қўшилган янги салмоқли ҳиссадир. Протокол Маланже вилояти комплекс ўзлаштирилишини кўзда тутади.

Икки давлат саноат, балиқ овлаш, қишлоқ хўжалиги соҳасида муваффақиятли ҳамкорлик қилмоқда, деб таъкидлайди газета. Совет Ўзбекистонидан келган пахта миришкорлари Ангола меҳнаткашларига катта ёрдам бермоқдалар. Какузу давлат бирлашмаси бутун мамлакатга донг таратган. Бу бирлашмада ўзбек пахтакорлари шу ерда «оқ олтин»дан мўл-кўл ҳосил етиштириш мумкинлигини амалда исботлаб берди.

Миллий кадрлар тайёрлаш Ангола учун алоҳида муҳим аҳамиятга эгадир. Ҳозирча миллий кадрлар ҳамон етишмаяпти. Бу ерда Совет Иттифоқининг кўмаги билан тўртта ўқув маркази: Лобиту шаҳрида автомобиль ремонти маркази, Лубанго, Нгуза ва Маланжеда учта қишлоқ хўжалик маркази ташкил этилган ва улар муваффақиятли ишлаб турибди. Уамбодаги индустриал педагогика техникуми 1979 йилдан буён ишламоқда. Совет мутахассислари Лобиту ва Лубангода Ангола энергетикларига курсларда таълим бермоқдалар. Кейинги йилларда советлар мамлакатининг вакиллари жами 2.5 минг нафардан кўпроқ малакали мутахассисларни тайёрладилар.

27 ЙИЛ БЕҲУШ

ПАРИЖ. Франциянинг Дон Лесонье шаҳрида Поль Бале деган киши 46 ёшлигида вафот этди. У 27 йилга яқин беҳуш бўлиб ётганди. Бу дунёда маълум беҳуш ҳолда ётишнинг энг узоғидир.

1955 йилнинг 11 декабрида Поль Балени автомашина уриб кетган ва у оғир жароҳатланганди. Боши ҳам шикастланиши натижасида беҳуш бўлиб қолганди. Ўшандан бери у ҳеч қачон ўзига келмади. Поль Бале касалхонада кўп ой ётганидан сўнг унинг онаси врачларнинг розилиги билан ўғлини уйига олиб келган ва врачларнинг айтганларини бажариб уни боқиб келар, тузалиб кетишига умид қилар эди. Она шунча йиллар мобайнида бемор ўғлини кишини ҳайратда қоладиган даражада сабр-тоқат ва матонат билан боқиб келганди.

«4» ғилдирак» клуби

«ЎЗБЕКИСТОН» ДЎСТЛАРНИ КУТМОҚДА

Шу кунларда «Техника молодежи» журнали томонидан ҳаваскорлар тайёрлаган машиналарда Бутуниттифоқ ўн олтинчи автопойга қатнашчилари Тошкентда меҳмон бўлиб туришибди. Автопойгада турли хил конструкциядаги 30 автомобиль бор. Улар билан шаҳримиздаги автоҳаваскорлар жуда қизиқиб танишмоқдалар. Уларнинг кўплари автомобиль қуриш ва уларнинг конструкцияларини яратиш билан шуғулланишади. Биз бугун ана шундай яхши моделлардан бири — «Ўзбекистон» ҳақида ҳикоя қиламиз.

...Бу машина завод конвейерида эмас, балки уйдаги устахонада тайёрланганлигига ишониш қийин. Кузовнинг ихчамлиги, жуда яхши ишлов берилганлиги туфайли бу автомобиль замонавий ва жуда чиройли кўринади.

Ҳаммаси ҳаваскорликдан, қизиқувчиликдан бошланди. Автомобиль йўллари институтининг студентлари Комил ва Темур Рашидовлар янги машина яратишга қизиқиб қолишди. Уларнинг отаси Носир Рашидович Рашидов машинанинг ишчи чизмаларини кўриб, маъқуллади. Фарзандларига ва уларнинг дўсти — студент Олег Остроглазовга уни ҳаётда синаб кўришни таклиф этди. Ўзи лойиҳанинг техник раҳбари бўлди.

Иш уйда, ҳар жиҳатдан жиҳозлаган устахонани жиҳозлашдан бошланди. Кузовни шиша модда ёрдамида ёпиштиришди. Тортиш қисми учун «Запорожец» машинасининг кўпригини олишди. «Ўзбекистон»нинг ташқи кўринишини безашга ҳам жуда кўп вақт сарфладилар. Шунинг учун ҳам у жуда чиройли бўлиб чиқди. Ҳатто, энг талабчан Давлат автомобиль инспекциясининг ходимлари ҳам машинага йўлланма беришидан олдин кўздан кечиришаётганларида ўз ҳаяжонларини яшира олишмади.

«Ўзбекистон» автомобилининг техник характеристикаси двигатели «Шкода» типида тўрт тактли, 58 от кучига эга. Энг юқори тезлиги соатига 150 километр. 100 километр масофага 6 литр ёнилғи сарфлайди. Тўрт кишига ҳисобланган. Узунлиги 3500 миллиметр, эни 1320 миллиметр, баландлиги 1020 миллиметр.

Шуни қўшимча қилиш керакки, конструкторлар Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотига сазовор бўлдилар. Машинадан институтдаги ўқув жараёнида экспонат сифатида фойдаланилмоқда. Ўнлаб студентлар талантли конструкторларнинг ишини давом эттиришга аҳд қилишди.

СУРАТЛАРДА: «Ўзбекистон» автомашинаси.

Хоккей

Бугун баҳсни бошлашади

Бугун хоккей бўйича биринчи лига командалари мамлакат чемпионати ўйинларини бошлашади. Тошкентнинг «Бинокор» командаси ўзининг дастлабки учрашувларини бугун ва эртага Красноярск шаҳрида Череповецк шаҳрининг «Металлург» командаси билан ўтказади. Команда жўнаб кетиши олдидан мухбиримиз «Бинокор» командасининг катта тренери В. Бастерс билан учрашди.

— Василий Васильевич, нега «Бинокор» Минскнинг «Динамо» командасини ўз майдонида эмас, бетараф майдонда, яъни Красноярскда қабул қилмоқда?

— Шундай қилишга мажбур бўлди. Чунки узоқ вақтдан буён «Юбилейний» спорт саройи бевосита ўз вазифасини бажараётгани йўқ. Реконструкция ва иккинчи майдонни қуриш билан боғлиқ кўп муаммолар келиб чиқди. Совутиш мосламасини тиклаш ниҳоятда чўзилиб кетди.

— Бу демак...

— Тошкентда ҳозир муз йўқ деганидир. Шу боисдан ҳам мавсумга тайёргарлик ишларини фақат сафарда ўтказдик. Дастлабки турларни, календарга бу учрашувларни биз ўз майдонимизда ўтказишимиз белгиланган бўлишига қарамасдан, Красноярск шаҳрида ўтказишга мажбурмиз.

— «Бинокор» мавсумга тайёргарлик машғулотларини қандай ўтказди? Коллективнинг чемпионатта тайёргарлигини қандай баҳолаш мумкин?

— Тўғрисини айтганда, аҳвол анча оғир. Кейинги йилларда команда ҳеч қачон бу йилгидек мавсумга бўш тайёрланмаган эди. Бунинг бир неча сабаблари бор. Биринчидан, муз майдони йўқ. Шу боисдан ҳам Москва, Усть-Каменогорск ва Тольятти шаҳарларида машғулотлар ўтказишга тўғри келди. Ваҳоланки, бу жойлардаги маҳаллий командаларда ҳам муз етишмаяпти. Умуман олганда ўйинчиларнинг тайёргарлик программаси 50 процент бажарилди, холос. Кўпчилик ўйинчиларимиз кейинги синов учрашувларида жароҳатланишди. Иш шунга бориб етдики, майдонда айрим ўйинларда саккиз ҳимоячи ўрнига тўрт ҳимоячи чиқди. Кўриниб турибдики, тайёргарлик яхши эмас. Фақат бир нарса аён. Красноярск шаҳридаги муз майдонида учрашувлар орасидаги дам олиш пайтларида техник ва тактик тайёргарликни пухта синовдан ўтказиш керак.

— «Бинокор» «Советский спорт» газетаси совриниучун ўтказилган турнирда қандай қатнашди? Команда составида қандай ўзгаришлар бор?

— «Бинокор» Тольятти шаҳридаги турнирда қатнашиб, Саратовнинг «Кристалл», Харьковнинг «Динамо», Пензанинг «Дизелист», Тольяттининг «Торпедо» командаларидан кейин бешинчи ўринни олди. Биз учун натижанинг моҳияти йўқ эди. Ўз ўйин услубимизни шакллантиришимиз лозим эди. Айрим дақиқаларда тайёргарлигимиз бўш бўлишига қарамасдан чиройли ўйин кўрсатишга муяссар бўлдик. Команда состави ҳақида тўхталайлик. Коллективга келажаги порлоқ ёш ўйинчилар қабул қилинди. Уларнинг орасида Харьковнинг «Динамо» командасидан Владимир Максимов, Москванинг «Локомотив» командасидан Игорь Захаров, Москва ҳарбий округининг армия спорт клубидан Вячеслав Родин, Игорь Бахвалов, Москванинг «Спартак» ёшлар командасидан Игорь Трусилкин, Тошкент хоккей мактабининг тарбияланувчиси Алексей Сумочкин бор.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, команда шаҳар партия, совет, хўжалик раҳбарлари томонидан ҳамиша ёрдам олиб турибди. Тайёргарлик яхши эмаслигига қарамасдан коллективнинг кайфияти кўтаринки. Комсомол ташкилоти йигитларни руҳлантириш учун жуда кўп ишларни амалга оширяпти.

— Тошкентлик хоккей мухлислари номидан «Бинокор» командасига омад тилаймиз.

— Раҳмат.

В. СТУЛИН.

ХАТЛАР УСТИДА ЎЙЛАР

ОНАНИ НЕГА ЎКСИТДИЛАР?

Меҳри чексиз, бутун дунёни кўкраги билан боққан аёлни— Онани шарафлайлик! Инсондаги бутун гўзаллик қуёш нурлари-ю, Она меҳридан.

М. ГОРЬКИЙ

1.

«Мен Тошкент трактор заводидаги 20-ошхонада иккинчи сменада ишш-товоқ ювадиган ишчи бўлиб ишладим. Май ойида ҳамкасбларим отпускасига чиқдим. 16 июнда кўзим ёрди.

Туққанимдан сўнгги отпускам 11 августда тугаши керак эди. 8 августда кўчада тасодифан бошлиғим — ошхона зал мудири Надя Левицкаяни учратдим. У: «Директоримиз сен эндн ёш болалик бўлганлигинги, шунинг учун ишга бормаслигингни айтиб қўйишни менга тайинлади», деди. Шундан кейин директор А. Ҳамидуллаевга қатнашим бошланди. Бироқ ўзимнинг қонуний ўрнимни олишим мумкин бўлмади. Охири «ўз ихтиёрим» билан ариза ёзиб, бир йиллик отпуска сўрашга мажбур бўлдим...

Наҳотки, фарзанд туғиб жиноий иш қилган бўлсам?

Нина СОЛИЕВА».

Няня Александровна Солиева (қизлик фамилияси — Ерёмченко) Тошкент трактор заводининг рўпарасидаги микрорайонда, 62-уйнинг 9-квартирасида яшаркан. Тўрт хонали квартирада икки оила: Н. Солиеванинг турмуш ўртоғи, коопторг базасида юк ташувчи бўлиб ишлайдиган Муллахўжа Солиев, уларнинг уч фарзанди. Нинанинг ота-онаси, мактаб ёшидаги тўрт укаси истиқомат қилади.

Хонадон бошлиғи Александр Сергеевич Ерёмченко иккинчи группа меҳнат инвалиди.

Ерёмченколарнинг жами тўққиз фарзанди бор. Оила бу болаларни оёққа турғазгунча озмунча азият чекмади. Марина Николаевна шифохонада энага бўлиб ишлади, фаррошлик қилди, қурилишда бетон ишларини ҳам бажарди. Унинг охирги иши қизи Нина билан бир жойда — трактор заводидаги Куйбишев район ошхоналар трестига қарашли 20-ошхонада эди. У ердан бир ой бурун ўз аризасига биноан бўшади. Ундан: «Яқингина жойдаги ишингиздан нега бўшадингиз?» деб сўрадик. У: «Ошхона раҳбарларининг муомаласи ёмон, одамни одамдай кўришмайди, кишининг иззат-нафсини ерга уришади», деди.

— Бу фикрни қўшимиз Раъно Ҳусанова ҳам тасдиқлаши мумкин, —деди Нина онасининг гапини давом этказиб. — У ердан у ўтган йилнинг декабрь ойида кетган. Ҳозир микрорайондаги 5-ошхонада ишш-товоқ ювади.

Р. Ҳусанова билан учрашиш истагини билдирдик. Н. Солиева бизни унинг ишхонасига бошлаб борди. Ташқарига чиққанимизда қўшни подъезднинг учинчи қаватидаги катта кўзгу ойна ўрнига фанер қоқилган деразани кўрсатиб:

— Р. Ҳусанова шу квартирада яшайди, бешта боласи бор, — деди. —Ўтган йил қишда деразасига битта ойна сўраб завод директори номига ариза ёзган экан. А. Ҳамидуллаев унинг аризасини қўлидан олиб олиб, йиртиб ташлаб: «Ойна юзорда кўп, ўша ердан сотиб олинг», дебди. Шундан кейин у ишдан кетиб қолган...

Р. Ҳусанова билан учрашганимизда бу гапларни тасдиқлади.

— Менинг кетишимга фақат шу нарсагина сабаб бўлган эмас, — деди у—Надя Левицкая мени деразага парда ўтириси қилди. Ишдан кетганимдан кейин эса «йўқолган» пардани жойига илиб қўйибди.

20-ошхонага бориб Аҳрор Ҳамидуллаев билан учрашдик. У Н. Солиеванинг мактуби билан танишгач, ўзига-ўзи гапиргандек: «Яхшиликка—яхшилик қайтмас жан-да», деди. Биз ундан Нина Солиевага қандай яхшиликлар қилганлигини сўрадик.

— Солиева илгарири иш жойидан прогул қилганлиги учун бўшатилган. Бу ҳақда унинг меҳнат дафтарчасига ёзилган. Биз уни онаси илтимос қилганлиги учун олганмиз.... Онаси яхши аёл эди.

— Солиеванинг онаси нега бўшаб кетди, хабарингиз борми?

— Хабарим йўқ, мен отпускадалигимда бўшаб кетибди...

Нина Солиева 24 ёшда. У ўн етти ёшда турмуш қурди. Кетма-кет уч фарзанд кўрди. Ҳам меҳнат қилиши, ҳам ёш болаларни тарбиялаш нақадар қийин иш эканлигини фақат она бўлган кишиларгина яхши билиши мумкин. Унинг ҳаёт йўлидаги қоқилиш-туртинишига ҳам айнан шу бола-чақа ташвиши сабаб бўлганлигини бу ўринда гапириб ўтирмасак ҳам бўлади.

Фаррошлик умумий овқатланиш соҳасидаги касблар орасида маоши нисбатан камтарона, лекин анча оғир вазифа саналади. Идиш-товоқларни ювиш, столларни, полларни ёр тушса ялагудек қилиб тозалаш, ошпазларга ёрдамлашиш фаррошларнинг вазифаси саналади. Айниқса, идиш-товоқ ювадиганлар смена давомида сувли, зах жойда меҳнат қилишади. Шунинг учун ҳам бу касбда ишлашга ҳамма ҳам рози бўлавермайди.

20-ошхонада 140 ходим бор. Шундан 60 нафари фаррошлардир. Директорнинг айтишича, ҳозир ошхона бўйича ўндан ортиқ фаррош етишмас экан. Солиева ишлайдиган марказий ошхонанинг ўзида тўрт фаррош етишмайди.

Шундай шароитда дурустгина ходим, бунинг устига оналик бурчини ўтаётган аёлни ранжитиш нега зарур бўлиб қолди? А. Ҳамидуллаев ва Н. Левицкая Солиевани ҳафа қилганларини тан олмай, ўзларини оқлашга уринишди. Ҳатто, унинг бир йилга ўз ёнидан отпуска сўраб ёзган аризасини ҳам кўрмаган бўлишди. Агар ўларнинг бу гапларига ишонсак, нега 10 августда берилган буйруққа биноан бошқа ташкилотда ҳам ишлайдиган Р. Умаровани ўриндошлик йўли билан Н. Солиеванинг ўрнига ишга олиш зарур бўлиб қолди?

Воқеалар мантиқи Солиева Н. Левицкаяга ёқмай қолганлигини, А. Ҳамидуллаев эса кўр-кўрона унинг ногорасига ўйнаётганлигини исботлаяпти. Бу фикримизни Н. Солиеванинг ўзи ҳам тасдиқлади.

Биз Солиевани беками-кўст ходим эди, деган фикрдан узоқмиз. Бир хаёли уйидаги икки ёш боласида, бир хаёли ишида бўлган аёл баъзан зиммасидаги вазифани расоладагидек бажаролмаган, бошлиқларининг кўнглини тополмаган бўлиши мумкин. Лекин янгигина бўшалган, ҳали ростмана ўзига келмаган, янги фарзанд қувончи билан юрган онани бунинг учун ҳозир жазолаш, унга қарши исён бошлаш инсонийликданмикан?

Агар 20-ошхона раҳбарларини чинакам одамийлик анъаналари тарк этмаса эди аксинча йўл тутган бўлишарди, албатта. Н. Солиеванинг кўзи ёриганда унинг ҳолидан хабар олишган, коллектив номидан янги фарзандли бўлганлиги билан табриклашган. унга ва кичкинтойга соғлиқ-омонлик тилаган бўлишарди. Эҳтимол, бунда аёлнинг коллективга меҳри товланган, ўз фаолиятига танқидий назар ташлаб, вазифасига янада сидқидилдан муносабатда бўлган бўлармиди...

Афсуски, 20-ошхона раҳбарлари бундай қилишмади. Яна меҳнат қучоғига қайтмоқчи бўлган аёл — онанинг кўкрагидан итариб, қалбини вайрон қилишди. Қўлига қалам олишга мажбур этишди.

А. Ҳамидуллаев билан суҳбатлашганимизда ошхона фаолиятини ижобий борича осмонга кўтаришга ҳаракат қилди. Завод вакиллари эса бошқача гап айтишди, Мана, завод касаба союз комитети раиси Ф. Убайдуллаевнинг сўзлари:

— 20-ошхона ишини А. Ҳамидуллаев таърифлаган даражада дейиш қийин. Унинг хизматидан ишчилар шикоят қилиб туришади. Йил бошидан бери ошхона ходимларининг айби билан тунги сменадаги ишчилар икки марта тушликсиз қолиб кетишди. Ўтган ҳафтанинг душанба куни (23 августда) марказий ошхонада ишчиларга ҳидланган гўштдан овқат тайёрлаб беришди. Кўпгина тарелкаларда овқат қолиб кетди.

Бу фикрни мараказий ошхонада тушлик қиладиган 7-цех ишчилари ҳам қўллаб-қувватлашди. Ошпазларнинг малакаси пастлиги, уларнинг касб-маҳоратини ошириш ҳақида ҳеч ким ўйламаётганлигини гапиришди.

Ишда ижодий изланишга, ижодкорликка эришиш учун коллективда ўзаро ҳамжиҳатлик, ўртоқлик вазияти бўлиши лозим. 20-ошхона коллективи ўртасида эса бундай муносабат йўқ.

Биз Н. Солиеванинг шикоят хати юзасидан 20-ошхонада 26 август куни бўлдик. А. Ҳамидуллаев суҳбат охирида Н. Солиеванинг уйига одам юбориб, ишга таклиф этишини, узр сўрашини айтди. Биз унинг сўзларига ишондик.

28 август куни Н. Солиевага қўнғироқ қилиб, ишхонасидан одам келган-келмаганлигини суриштирдик. У ҳеч ким келмади, деди. 30 августда яна қўнғироқ қилдик. У яна ҳеч ким келмаганлигини айтди. Афсус... Наҳотки, она ва адолат ҳаққи, инсофга қайтиш шунчалар қийин бўлса?!.

2.

«Мен Тошкент тўқимачилик комбинатининг 1-йигирув-тўқув фабрикасининг арқоқ цехида съемчилар бошлиғи бўлиб ишлардим. 1982 йил январдан ҳомиладорлик отпускасига чиқдим. 12 апрелда ўғилча кўрдик. 3 августда эса ўпка шамоллаши туфайли фарзандимиз вафот этди.

Шароитга кўра 10 августдан яна ишга чиқдим. Менинг ўрнимда бошқаси ишлаётган экан. Мени бошқа комплектга қўйишди. Янги жойда ишлаб қийналдим, чунки янги машиналарга кўниколмадим. Ўз иш жойимга ўтишимга эса рухсат беришмади. Наҳотки туғиб, гўр ёқасидан қайтиб, устига устак, ишхонада ўз ўрнимни йўқотиб ўтирсам?

Сарсон бўладиган нима гуноҳ қилдим?

Матлуба МАНСУРОВА».

Тошкент тўқимачилик комбинати ишчиси Матлуба Мансуровани турар жойи Б. Хмельницкий кўчасидаги 40-уйда, ётоқхона типидаги бир хонали эски квартирада. У 6 йилдан буён комбинатда ишлайди. Ердамчи хонаси, санузели бўлмаган, эшигини очса тўғридаги деразадан елвизак ғуруллайдиган, ёпса ҳавоси димиқиб кетадиган хонада эр-хотин, тўрт ярим қизчаси билан яшарди. Апрель ойида иккинчи фарзанд туғилди. Аммо у тўрт ойлик бўлганида ўпкаси шамоллаб, вафот этди. Шунинг учун она барвақт, 10 августда ишга чиқди. 1-йигирув ишлаб чиқариши бошлиғи Т. Н. Попова эса унинг ҳол-аҳволини сўраш, кўнглини кўтариш ўрнига: «Сен олиммисан, профессормисан, оддий ишчисан, дипломинг йўқ. Биз қаерга қўйсак, ўша жойда ишлайверишинг керак», сингари ноўрин гаплар айтиб ранжитди.

Бир хат юзасидан комбинатда бўлганимизда дастлаб цех бошлиғи Анна Сальмаева билан учрашдик. У янги отпускадан қайтган, воқеадан бехабар экан. Дарҳол Мансуровани чақиртириб, нима гаплигини суриштирди, унинг кўнглини кўтарди, «сени хафа қилиб қўймаймиз», деди. Бизга бу аёлнинг муомаласидаги самимият ёқди.

Шу орада Т. Н. Попова келиб қолди. У хат мазмуни билан танишгач, Мансуровага қараб: «Сен биз билан ишлайсан, бошқа ёққа кетмайсан-ку, бу хатни ёзаётганингда шу ҳақда ўйлаб кўрмадингми?» деди дўқ қилгандай. Унинг сўз оҳангидан: «Қаёққа шикоят қилмагин, барибир тақдиринг бизнинг қўлимизда», деган таънани уқиш мумкин эди.

Т. Н. Попова бизга ўгирилди: «Бунга ўз ишини бердик, — деди Мансуровани кўрсатиб. — Фақат бошқа комплектда ишлаши керак эди, ҳоҳламади».

Мансурованинг бошқа комплектда ишлашни ҳоҳламаганига сабаб, ўзи айтганидай, у ердаги янги машиналарга кўника олмади, ҳатто бир марта қўлини қирқиб олди. Эҳтимол, у янги жойда ишлашга кўникарди ҳам. Аммо Т. Н. Попова носамимий, қўрс муомаласи билан уни хафа қилди. Ажабо, ишга қайтган она билан шундай муносабатда бўлишадими? Уни ўз коллективи — қадрдон ишхонасида шундай кутиб олиш керакми?

Бизнинг мамлакатимизда тенглар орасида тенг ҳуқуқли бўлган совет хотин-қизлари Ватанимизнинг моддий ва маънавий бойликларини яратишга салмоқли ҳисса қўшишяпти. Улар халқ хўжалигида ишлаётган ишчи ва хизматчиларнинг ярмини, халқ хўжалигида банд бўлган олий ва ўрта махсус маълумотли ходимларнинг 56 процентини, Советлардаги депутатларнинг ярмига яқинини ташкил этишади.

Коммунистик партия ва совет ҳукумати хотин-қизлар ижтимоий меҳнатдаги ва сиёсий ҳаётдаги иштирокини оналик билан қўшиб олиб бориш учун мумкин бўлган барча шароитларни яратишга интилаётганлиги учун совет хотин-қизлари жамиятда шундай юқори мавқега эга бўлдилар. Аёллар ҳақида ғамхўрлик, унинг меҳнатини ва оналигини ҳимоя қилиш жамиятимизнинг давлат сиёсати, ахлоқий қонунидир. Бу шунинг учун ҳам шундайки, фарзанд туғиб, тарбиялаётган, мургак гўдаги бешиги устида тунларни бедор ўтказадиган она меҳнати том маънода ижтимоий меҳнатдир.

Қолаверса, аёлнинг жамиятдаги ўрни ўша жамиятнинг тараққиёт даражасини белгилайди. Бу айниқса бизнинг социалистик жамият учун хосдир. Шу боисдан бу масалага тор ишлаб чиқариш манфаатларингина ўйлаб ёндошиш, болалик аёлларга очиқ ёки пиҳхона тўсқинлик қилишга уриниш бизнинг ахлоқ нормамизга зиддир.

Афсуски, юқорида ҳикоя қилганимиз икки воқеа, бу ҳақиқатни билмайдиган ёки билса ҳам тан олишни истамайдиган шахслар ҳали орамизда борлигини кўрсатаяпти.

Биз тарихий ёдгорликлар, қўриқхоналар, табиатнинг гўзал масканлари қонун билан муҳофаза қилинишини биламиз. Аслида совет қонунлари, биринчи навбатда, мамлакатимиз гражданлари ҳуқуқларини, уларнинг манфаатларини кўз қорачиғидай асрайди. Бошқача айтганда, муқаддас қонунларимиз оддий меҳнат кишиларини ишлаб чиқариш мудири Т. Н. Попова сингари дағал, ошхона директори А. Ҳамидуллаев сингари қалби чандиқ кишилардан ҳимоя қилади.

«Оддий ишчи» — она билан ҳисоблашишни, унинг оддийгина ва қонуний талабига қулоқ солишни истамаган расмиятчи икки раҳбар ҳозирча ғолиб. Қадрдон ишхонасига қайтишни истаган икки аёлнинг оналик ҳис-туйғулари ҳозирча уларга ярмак тутолиб турибди. Ишга қайтган онани оёқ учида кўрсатиб, сарсон қиламан деганларнинг ўзи сарсону саргардон бўлиши турган гап. Оналар — энг улуғ зот саналган бизнинг жамиятда бошқача бўлиши мумкин эмас!

А. ЭГАМНАЗАРОВ,

«Тошкент оқшоми» махсус мухбири.

Редактор

Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

24 СЕНТЯБРДАН БОШЛАБ

ЯНГИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТДА БИРИНЧИ МАРТА

КОМЕДИЯ ЦИРКИ

Италияда ўтказилган жаҳон масҳарабозлар конкурси лауреати ва Болгарияда ўтказилган Европа масҳарабозлар конкурсининг лауреати, РСФСР халқ артисти

АНДРЕЙ НИКОЛАЕВ РАҲБАРЛИГИДА

МОСКВА ЦИРКИ МАСҲАРАБОЗЛАРИНИНГ ТОМОШАЛАРИ

Томошалар соат 19.30 да, шанба кунлари соат 16.00 ва 19.30 да, якшанба кунлари соат 13, 16 ва 19.30 да бошланади.

КАССА СОАТ 10.00 ДАН 20.00 ГАЧА ИШЛАЙДИ.

Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинади.

«РАДИОТЕХНИКА» МАРКАЗИЙ САВДО-РЕКЛАМА ТАШКИЛОТИ

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

«ВИТЯЗЬ—733» РАНГЛИ ТЕЛЕВИЗОРИ



Ишлатиш параметрлари юксаклиги, алоҳида замонавий услубда безалганлиги туфайли

«ВИТЯЗЬ — 733» МАМЛАКАТИМИЗДАГИ ТЕЛЕВИЗОРЛАРНИНГ ЭНГ ЯХШИЛАРИДАН БИРИ ҲИСОБЛАНАДИ.

Электрон мослама программаларга осон олиш имконини беради: клавишга қўл текизишингиз билан экранда керакли кўрсатув намоён бўлади.

«ВИТЯЗЬ—733»да автоматик регулировка ўрнатилган бўлиб, унга овозларни ёзиб олиш учун магнитофон, бошга кийиладиган телефон, видеомагнитофонни улаш мумкин.

Баҳоси — 720 сўм.

«ОРФЕЙ—101 —СТЕРЕО»

«1-КЛАССЛИ «ОРФЕЙ—101—СТЕРЕО» ЭЛЕКТРОПРОИГРИВАТЕЛИ МУЗИКАЛИ ПРОГРАММАЛАРНИ ТАБИИЙ ОВОЗИ БИЛАН АНИҚ ЭШИТИРАДИ.

Электропроигриваталда замонавий мосламалар қўлланган: дискнинг айланиш частотасини мослаш, электронли бошқариладиган микролифт, фотоэлектронли автостопни созлаш учун стробоскопик мослама ўрнатилган. «ОРФЕЙ»нинг конструкцияси овозни юксак сифат билан эшиттириш ва ишончли ишлаш кафолотини беради.

Баҳоси —308 сўм.

«САТУРН—201» МАГНИТОФОНИ

БАРЧА ТЎРТТА ЙЎЛКАСИДА ОВОЗЛАРНИ АЪЛО ДАРАЖАДА ЁЗИБ ОЛАДИ.

«САТУРН — 201» аввалги моделларидан овозни эшиттириш кучайтирилганлиги, частоталар диапозонининг кенглиги ва овозни бузиш коэффициентининг пастлиги билан ажралиб туради. Ана шу моделда биринчи марта магнитофонга кўчма акустик системани улаш имконияти яратилган.



«САТУРН — 201» ИШЛАТИШДА ИШОНЧЛИ ВА ҚУЛАЙ.

Баҳоси —210 сўм.

«ЛАЗУРЬ —714» ЭКРАНИДА —

БЎЁҚЛАРНИНГ ЎЧМАС ЖОЗИБАСИ НАМОЁН!

Бу телевизорнинг автоматик регулировкаси ва созламаси тасвирнинг равшан ва ҳамоҳанг эканлигини кафолатлайди. Модернизация қилинган блоклар аппаратнинг ишлаш ишончини оширган.

Агарда хоҳиш туғилган пайтда кўрсатувнинг овозини ёзиб олиш учун телевизорга магнитофонни ёки видеомагнитофонни улаш мумкин.

«ЛАЗУРЬ—714» РАНГЛИ ТЕЛЕВИЗОРИ ЗАМОНАВИЙ ТЕХНИК ВА ЭСТЕТИК ТАЛАБЛАРГА ТЎЛА ЖАВОБ БЕРА ОЛАДИ.

Баҳоси — 680 сўм.

театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 17/IХда — **Ганг дарёсининг қизи**, 18/IХда **Шошма қуёш.**

МУҚИМИН НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 17/IХда **Тўйдан олдин томоша**, 18/IХда **Гулсара.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 18/IХда **Муқаддима.**

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Цирк санъатининг янги асари «РУСЛАН ВА ЛЮДМИЛА»** пантомима-феериясининг ҳайрлашув гастролларн (17/IХ да соат 17.00да).

КИНО

17 СЕНТЯБРДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДА» — **Ғ. Ғулом номли.**

«БУ ХАВФЛИ» — **Ғ. Ғулом номли.**

«БУ БЎЛМАСЛИГИ МУМКИН ЭДИ» — **С. Раҳимов номли.**

«АЛАНГАНИНГ БЎЙСУНДИРИЛИШИ» — **Қозоғистон.**

«УЧРАШУВ» — **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги номли.**

«ПРЕМЬЕРА БЎЛГАНИ ЙЎҚ» — **Искра.**

«ҲАМИША СЕРГАК» — **Кўкча.**

«ДОИМИЙ ҲАЁТ ПОЙГАСИ» — **Пионер.**

«БЕШ ЙИЛ ВА БИР УМР» — **Нукус.**

«ЎЗИМНИНГ ЕРИМ» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли.**

«ПИЕДАНИНГ АЙБИ БИЛАН» — **Москва.**

«ЙЎЛ УСТИДАГИ БОЛА» — **Дўстлик.**

«ПАРТИЯ ВА ҲАЛҚНИНГ СОДИҚ ФАРЗАНДИ» — **Улуғбек.**

«ОҚСОҚОЛ» — **ВЛКСМ 30 йиллиги номли.**

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«АЛВИДО», ДЕЯ ОЛМАЙМАН» — **Мир** (тоқ соатларда, телефон 91-08-30), **К. Ерматов** номли (тоқ ва жуфт соатларда, телефон 24-22-66).

«ОФИЦИАНТ, ҲАҚИНГИЗНИ ОЛИНГ!» — **Тинчлик** (жуфт соатларда, телефон 53-86-07).

«АНИҚРОҚ САБАБЛАРСИЗ» — **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги номли** (телефон 53-65-87).

«АНДРЕЙ РУБЛЕВ» — **Искра** (16, 18, 19.45да, телефон 39-11-76).

18 СЕНТЯБРДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДА» — **Ғ. Ғулом номли.**

«БУ ХАВФЛИ» — **Ғ. Ғулом номли.**

«БУ БЎЛМАСЛИГИ МУМКИН ЭДИ» — **С. Раҳимов номли.**

«АЛАНГАНИНГ БЎЙСУНДИРИЛИШИ» — **Қозоғистон.**

«УЧРАШУВ» — **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги номли.**

«ПРЕМЬЕРА БЎЛГАНИ ЙЎҚ» — **Искра.**

«ҲАМИША СЕРГАК» — **Кўкча.**

«ДОИМИЙ ҲАЁТ ПОЙГАСИ» — **Пионер.**

«БЕШ ЙИЛ ВА БИР УМР» — **Нукус.**

«ЎЗИМНИНГ ЕРИМ» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли.**

«ПИЕДАНИНГ АЙБИ БИЛАН» — **Москва.**

«ЙЎЛ УСТИДАГИ БОЛА» — **Дўстлик.**

«ПАРТИЯ ВА ҲАЛҚНИНГ БУЮК ФАРЗАНДИ» — **Улуғбек.**

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«АЛВИДО» ДЕЯ ОЛМАЙМАН» — **ВЛКСМ 30 йиллиги** (тоқ соатларда, телефон 33-44-52), **Тинчлик** (тоқ соатларда, телефон 91-08-36), **К. Ерматов номли** (тоқ ва жуфт соатларда телефон 24-22-66).

«ОФИЦИАНТ, ҲАҚИНГИЗНИ ОЛИНГ!» — **Тинчлик** (тоқ соатларда, телефон 53-86-07).

ОБУНАЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

1983 ЙИЛ УЧУН

совет ва чет эл газета ва журналларига

ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Обуна «Союзпечать» агентликларида, алоқа бўлимларида, иш ва ўқиш жойидаги жамоатчи матбуот тарқатувчилар орқали қабул қилинади.

Ўзбекистон ССР Алоқа министрлигининг «СОЮЗПЕЧАТЬ» бошқармаси.

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ОЛИЙ УМУМҚЎШИН ҚЎМОНДОНЛИК БИЛИМ ЮРТИ

вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўқитувчилар: олий математика ва назарий механика, физика, материаллар қаршилиги, инглиз тили.

КОНКУРС МУДДАТИ — ЭЪЛОН ЧИҚҚАН КУНДАН БОШЛАБ БИР ОЙ.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: 700023, Тошкент шаҳри, 23-алоқа бўлими.

ЭКРАНДА ЗАНГОРИ

17 СЕНТЯБРЬ — ЖУМА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

18.00 «Биз БАМни қурямиз». 18.30 «Халқ ижоди». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Режиссёр». СССР халқ артисти, М. Авезов номли Қозоқ академик драма театрининг бош режиссёри А. Мамбетов ҳақида телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 20.00 В. Моцарт. Ре мажор сонатаси. 20.15 «Бизнинг болаларимиз». Кинолавҳа. 20.20 «Имзо». Телевизион бадиий фильм. 1-серия. 21.30 «Время». 22.00 «Имзо» Телевизион бадиий фильм. 2-серия. 23.15 «Дунё воқеалари». 23.30 Х. Иглесиас концерти. (Испания).

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

18.30 Янгиликлар. 18.50 «Болалардан кўнгил тўқ бўлсин». Авиация Маршали, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Ленин мукофотининг лауреати Е. Я. Савицкий билан суҳбат. 19.20 «Д. Шостаковичнинг учта прелюдияси». Фильм-концерт. 19.30 «Кишлоқ янгиликлари». 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 «Сўз— чет эллик ёзувчиларга». 21.20 П. И. Чайковский номли VII Халқаро конкурс лауреати В. Муллова чалади. Скрипка. 21.30 «Время». 22.05 Л. Бетховен. 5-симфония. 22.35 Хоккей бўйича СССР чемпионати. МАСК— «Торпедо» 2 ва 3-даврлар. В. И. Ленин номли Марказий стадионнинг Спорт саройидан олиб кўрсатилади.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

I

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 Болалар учун. «Мен, сен ва мультик». 18.40 «Инсон болаликдан бошланади» (рус.) 19.10 «СССРнинг 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафта». Тошкент 1-уйсозлик комбинатидан репортаж. 19.30 «Ахборот» (рус.) 19.45 «Цирк! Цирк!». 20.30 «Ахборот». 20.50 Ўзбек куйларидан концерт. 21.30 Москва. «Время». 22.00 «Дунё воқеалари». 22.30 Телевиденне экранида биринчи марта. «Якшанба туни». Бадиий фильм. 00.05 Янгиликлар.

18 СЕНТЯБРЬ — ШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.35 «АБВГДейка». 10.05 «Спортлото»нинг 38-тиражи. 10.15 «Федор Трофимович ва бошқалар». 5-кўрсатув. 10.50 «Экран дўстларни чорлайди». СССР—БХР. 11.35 «Йўл ҳаракати хавфсизлиги учун. 12.05 Илмий-оммабоп фильм. 12.15 «Поэзия». Евг. Винокуров. 13.10 «Муз устида дуэт». Ҳужжатли фильм премьераси. 13.30 Ўрмон ходимлари кунига бағишланган телевизион очерк. 14.00 «Кичик ер хотираси». Новороссийскдан репортаж. 14.15 Москва ҳарбий округи ашула ва рақс ансамблининг концерти. 15.00 «Дунё воқеалари». 15.15 Болалар учун фильм. «Ганделупа мамлакатининг маркаси». 16.20 «Ҳайвонот оламида». 17.20 Сиёсий шарҳловчиси В. П. Бекетов суҳбати.

17.50 Мультфильмлар программаси. 18.20 «1982 йил қушиқлари». 19.00 Тинчликни сақлаш Совети комитетининг раиси Ю. А. Жуков суҳбати. 19.45 «Чин қалбдан». 21.30 «Время». 22.05 Кремль Съездлар саройида санъат усталарининг концерти. 23.05 «Музей ва кўргазма заллари бўйлаб». 23.50 Астрахань қўриқхонаси ҳақида телевизион ҳужжатли фильм. 00.20 Янгиликлар.

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

17.50 Улуғ Октябрнинг 65 йиллигига. «Бизнинг биография». «1982 йил». 18.50 «Салом, мен холангиз бўламан». Телевизион бадиий фильм. 20.30.«Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 «Здоровье» илмий-оммабоп программаси. 21.30 «Время». 22.05 Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 22.15 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Спартак» — «Динамо» (Москва). В. И. Ленин номли Марказий стадионнинг Спорт саройидан олиб кўрсатилади.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 Кичик ёшдаги мактаб ўқувчилари учун. «Сўз кетидан сўз келар». 10.30 Мактаб ўқувчилари учун «Светофор». 18.05 «Шахмат мактаби». 13.35 Х. Ниёзий. «Бой ила ҳизматчи». Жиззах Ўзбек Давлат драма театрининг спектакли.

Кўрсатувлар программаси. 18.05 Болалар учун. «Мультипанорама». 18.55 Мактаб ўқувчилари учун. «Қўшиғим, жон қўшиғим». 19.30 «Ахборот» (рус.) 19.45 «Баҳс». Ёшлар учун ахлоқий-этик мавзуда кўрсатув. 20.30 «Ахборот». 20.50 СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Даврамизга марҳабо». Қорақалпоғистон АССР ва Ўзбекистон областлари бадиий ҳаваскорлик коллективларининг телевизион фестивали. Экранда — Наманган области. 21.30 Москва. «Время». 22.05 СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Даврамизга марҳабо!». Экранда — Наманган области (давоми). Кўрсатув тугагач — кўрсатувлар программаси.

Тожикистон телевидениесининг программаси

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 Мактаб ўқувчилари учун. «Костёр». 18.55 Мультфильмлар программаси. 19.00 «Новости». 19.20 Илмий-оммабоп фильм. 19.30 —«Бизнинг шарҳ». Халқаро мавзуларда суҳбат. 20.00 «Ахбор». 20.25 Ҳужжатли фильмлар программаси. 21.00 С. Турсун. «Домбра». Теленовелла. 21.30 МТ II.

Тошкент шаҳридаги 98-мактаб-интернат коллективи биология ўқитувчиси Т. У. Худойқуловага онаси

Баҳринисо ЭРГАШЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

4 ТОШКЕНТ бет ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент — ГСП, Ленин кўчаси, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат: —33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги —32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари —32-55-32; хатлар — 33-79-70; эълонлар бўлими—33-81-42; нашриёт диспетчери 32-78-91; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари —33-90-50.

17 СЕНТЯБРЬ, 1982 й. Р— 07428. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси Тошкент шаҳри. В— 2524 ИНДЕКС 64691